



ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

Бугун республикаимиз умумий ўрта таълим мактабларида 11-синф битирувчиларига етуклик шаҳодатномалари тантанали суратда топширилади

“Сизга таъзим, устозлар!”, “Хайр, қадрдон мактаб!”, “Ассалом, мустақил ҳаёт!”, “Орзуларингиз қанот ёзсин!” сингари ёзувли лавҳаларга кўзимиз тушди.

Сирасини айтганда, ҳисҳаяжонларга тўлик бу каби ёзувлар ҳар бир кишини ҳаётга бошлаши, шубҳасиз. Айниқса, бундай дамларда устозлар ҳаяжонли дақиқаларни бошидан кечирадилар.

— Мустақил ҳаётга йўл олаётган 31 нафар ўқувчимни қалдирғочларга ўхшатайман, — дейди Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактаб ўқитувчиси, 11-“А” синф раҳбари Санъат Соатова. — Зероки, қалдирғочлар бирон-бир уй айвонига ин курсалар, бутун меҳрини ўша гўшага бағишлар эканлар. Шу сингари бугунги битирувчилар қалбида кечаётган туйғуларни ҳис этиб, ўйлаб таъсирланиб кетаятман. Ўттиз бир ўқувчи — ўттиз бир олам: бири шўх, бири мулоҳазали, синчков, ҳозиржавоб, билимга чанқоқ. Мухими, бу ўқувчилар илмни баландларга олиб кетар йўл, деб билишади.

Дарвоқе, битирувчиларимиз Уйчи ва Тошлоқ туманлари битирувчи ўқувчиларининг ўзлари ўқиган синф хоналарини таъмирлаб бериш ҳақидаги ташаббусларини кўллаб-қувватлашди. Улар таъмирлаш ишларига ҳисса қўшиш билан бирга мактаб кутубхонасига 60 дан зиёд бадий китоблар ҳадя этишди. Хуллас, мустақил ҳаётга учирма бўлаётган ўқувчиларимизга “Йўлларингиз оқ, келажакингиз ҳамини порлоқ бўлсин!”, деб тилак билдириб қоламан.

Самимий суҳбат кенг дара тусини олди. Даврага 11-“А” синф битирувчилари ҳам қўшилишди.

Нодиржон АЛИМОВ:

— Бугун барча битирувчи тенгдошларим қатори мен ҳам ҳаяжондаман. Сабаби, ҳар бир янги кун бизларни мустақил ҳаёт оstonасига яқинлаштирмақда. Шу асноларда муаллимларимизнинг шўхлик қилган пайтларимиздаги панд-насиҳатларини ҳаёлимдан ўтказаятман. Устозлар ҳар қандай пайтларда ҳам бизга фақат яхшилик соғинганини ҳис этиб турибман.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 21 июнь куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият туғилганини таъкидлади.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида жорий йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилиши

керак бўлган тадбирларни ўз ичига олувчи мониторинг дастури ишлаб чиқилди. Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон мазкур дастурдаги барча пунктларни адо этди.


Меҳмон мамлакатимизда мониторинг дастури ижроси якунлари билан танишиб чиққанини, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон амалга оширган ишлардан мамнунлигини таъкидлади ва самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жамғарманинг мамлакатимизга хорижий сармоя жалб этишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

ТАЪЛИМ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТИ

3-бет



КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Мактабни битираётган ўғил-қизларнинг тақдири бугунги кунда ҳар бир ота-онани ўйлантириши аниқ. Бироқ меҳрибонлик уйларида вояга етган ёшлар тақдири ҳақида ким қайғуради?

Яқинда Самарқанд вилоят прокуратураси ташаббуси билан шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар раҳбарлари ҳамкорлигида вилоятдаги 6, 10, 11-меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 29 нафар ўғил-қизни ўзлари танлаган касб-ҳунар билим юртлирига жойлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда меҳрибонлик уйларида вояга етган битирувчилар тақдири барчамизни бирдек ташвишлантиради, — деди вилоят прокурорининг

катта ёрдамчиси Т.Абдуҳолиқзода. — Улар ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун сиз ва бизнинг кўмагимиз зарур.

Йиғилишда иштирок этган барча ўқувчилар ўзлари танлаган касб бўйича қайси касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиши мумкинлигини аниқлаб олди. Уларни ўқиш давомида ётоқхона ва моддий таъминлаш масаласи ҳам келишиб олинди.

Йиғилиш сўнгида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Бекмуродов меҳмонларга меҳрибонлик уйи битирувчиларига кўрсатаётган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирди.

Н.ШЕРБОЕВА

ОЗОДНИНГ
ОЛТИН МЕДАЛИ

2-бет

Жамид ЗОКИРОВ:

САНЪАТКОР
БЎЛМАСЛИГИМ
МУМКИН ЭДИ

5-бет

“ҲИМОЯ”ЛАР
ДАВОМ ЭТМОҚДА

6-бет

ТЕСТНИ ҚАНДАЙ
ЕЧИШ МУМКИН?

7-бет

ДАЛВАРЗИНТЕПА
СИРЛАРИ

8-бет

BOLALAR
DUNIYOSI

9-бетлар

ТАНЛАГАН
МУТАХАССИСЛИ-
ГИНГИЗДАН
КЎНГЛИНГИЗ
ТЎЛАДИМИ?

10-бет

ХАЛҚАРО БАНК
ТИЗИМИДА
ИНТЕГРАЦИЯ
МУАММОЛАРИ

10-бет

МАККАЖЎХОРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ
КАШФИЁТЛАР

13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Келгуси ҳафта
теледастурлари
билан танишинг!

14-бет

ДАРСЛАРДА
МИЛЛИЙ
ЎЙИНЛАР

15-бет

ПАҲЛАВОН ВА
ШАЙТОН

16-бет

ОЗОДНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Москва, 20 июнь. ЎзА мухбири
Муҳаммад АМИН хабар қилади:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинларида иштирок этаётган ҳамюртимиз — 40 кг. вазнда майдонга тушган Тайлок (Самарқанд вилояти) спорт мактаби ўқувчиси, самбочи Озод Пардаев рақиби Антон Муртейко (Россия)ни 1:0 ҳисобида финалда мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Ҳозиргача мусобақаларда мамлакатимиз вакиллари-дан 10 нафари фахрли ўринларни эгаллади.

Шахматчимиз Антон Филиппов Борис Савченко (Россия)ни, Сарвиноз Эргашева Эбжебай Илликова (Туркманистон)ни, Юлдуз Ҳамроқулова Евелина Шоулите (Литва)ни мағлуб этди. Жўрабек Ҳамроқулов Юрий Михайлов (Латвия) билан дуранг ўйнади.

Катта теннис баҳслари "Октябрь" ўйингоҳи кортларида давом этмоқда. Терма жамоамиз вакиллари Фаррух Дўстов ва Ғофур Эшматов галаба нашидасини сурди. Аммо қизларимиз Элина Артюпова, Влада Яхшибарова ўз имкониятлари даражасида ўйин кўрсата олмади.

19 июнь кун "Олимпия" спорт мажмуида сузиш бўйича мусобақалар бошланди. Биринчи кун натижаларига кўра 100 метрга баттерфляй сузишда Антон Тищенко финал босқичида иштирок этадиган бўлди.

Қиличбозлик, шахмат, стол тенниси, теннис, сузиш, спорт гимнастикаси, енгил атлетика баҳслари давом этяпти.

(ЎзА).

ОҚ ЙЎЛ,
БИТИРУВЧИЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарвоқе, тарих саҳифасидан муносиб жой оладиган "2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили"да мактабни битираяпмиз. Буни айтаётганимнинг боиси келажакда олий ўқув юртини битириб, олий маълумот олиб, хусусий касалхона очиш ниятиданаман. Касалхона кам таъминланган оилалар ва қарияларга имтиёзли хизмат қилиши учун бутун имкониятимни ишга соламан.

Дилсора ШОИСМОИЛОВА:

— Аввало, жонажон мактабимнинг аҳил жамоасига, меҳрибон, билимдон устозларимга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Боиси, шу даргоҳда таълим ва тарбия олдим, кимё фани ўқитувчиси Мавлуда Солиева, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шахноза Иноятова ва бошқа устозларимнинг жонли, мулоқотларга бой дарсларидан бахраманд бўлдим...

Қадрдон мактабим билан хайрлашиш нақадар қийинлигини бутун вужудим билан ҳис қиляяману ҳали олдинда илм йўллари кўплигини ўйлаб, ўзимга ўзим таскин бераяпман. Насиб қилса, энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига кириб ўқимоқчиман ва элим, юртим доверугини дунёга таратишда ўз ҳиссамни қўшиш орзусидаман.

Хуршид ДАДАШЕВ:

— Аввалига бу дамларни орзиқиб кутдим. Иштиқонлар тугаганидан сўнг эса жонажон мактабим, синфдошларим билан хайрлашиш мен учун ниҳоятда мушкуллигини сездим. Гап шундаки, гарчи мактабни муваффақиятли тугатсам-да, мактаб — ўғил-қизлар ҳаётида катта имкониятларнинг энди тушуниб етдим. "Имкониятларни бой берманг!" . Келгуси ҳаётимда ўзим кашф этган ана шу фикрга қатъий амал қиламан ва яхши шифокор бўлиб, халқимиз саломатлиги йўлида виждонан ишлаш орзусидаман.

Орзу, ҳавас, интилиш ёшларга хос фазилат. Бугун хайрлашув, яъни етуқлик шаходатномасини олиш маросимида, шунингдек, устозлари билан суҳбатларда ҳам улар бу каби фазилатларини намойён этишди ва келажакда мустақил юртга муносиб фарзанд бўлишга сўз беришди. Қисқаси, йигит-қизлар ҳаётга мустақил қадам ташлашга — йўлланма оладилар.

Кўзгақадамларингиз қутлуг бўлсин, азиз битирувчилар!

**Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус
мухбири**

Ўз фаслининг кириб келиши барчага, айниқса, болажонларга бир олам қувонч бағишлайди. Чунки улар ўзларининг шовқин-суронли мактаб ҳаётию дарсларини тугатиб, турли тўғарақлар, клублар, оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадилар. Бунда эса мураббий ва ёшлар етакчиларининг хизматлари беқиёсдир. Хоразм вилоятида ҳам ёзги таътил даврида ўқувчиларни соғломлаштириш ишларини намунали ташкил қилишда вилоят ҳокимлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси, соғ-ликни сақлаш бошқармаси, ширкат хўжаликлари, вилоят ИИБ ва корхона-ташкilotлар билан ҳамкорликда вилоят бўйича 42 та оромгоҳлар очилиб, уларга ҳар бир навбатда 5300 нафардан, жами 15780 нафар ўқувчилар жалб қилинмоқда.

Мазкур оромгоҳларда ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан оромгоҳ раҳбарлари ва бош етакчиларига қисқа муддатли курслар

ташкил қилинди, амалий семинарлар ўтказилиб, услубий қўлланмалар тавсия этилди. Шунингдек, Хива шаҳридаги 97, 21-мактаб-интернатларидан, 20-меҳрибонлик уйидан, 96-махсус мактаб-интернатдан 750 нафар ўқувчиларни соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Оромгоҳларда болаларга таълим-тар-

"КОИНОТ"ДАГИ
ШОДОН КУНЛАР

бия бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 360 нафар тарбиячи, 90 нафар жисмоний тарбия ва 16 нафар музика ўқитувчилари жалб қилинган ва кўчма кутубхоналар ташкил қилинган.

Янгибозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида жойлашган "Коинот" оромгоҳида бўлиб, у ерда йўлга қўйилган ишлар билан танишдик.

Оромгоҳ манзарали дарахтлар ўртасида жойлашган бўлиб, улар ҳовлига кирган кишининг баҳри-дилини очди. Ҳовли ўртасидаги ҳовуз атрофидаги сўлим мажнунтоллар эса атрофга ўзгача кўркамлик бахш этган.

Болаларнинг шодон кулгу-

ларга жавоб бериш шартлари бўйича баҳслашишди.

Юқори кайфиятда ўтказилган ушбу беллашувда "Ниҳол" гуруҳи голиб деб топилди. Оромгоҳ бош етакчиси И.Жуманиёзова эндиликда "Хотира — азиз, қадр — муқаддас" мавзусида учрашув ўтказиш режалаштирилганлигини таъкидлади. Бунда маҳалладаги қариялар, II жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этишди, болажонларнинг саволларига жавоб беришди.

Тарбиячилардан Ш.Оллоберганова, А.Ниёзметова, М.Тўлиевалар ва музика раҳбари Р.Бекчановлар ҳормайтолмай болаларга мириқиб дам олишлари учун ҳаракат қилмоқдалар. Оромгоҳда яхши ҳордиқ чиқарган болажонлар янги ўқув йилини зўр шижоат ва ғайрат билан бошласалар, ажаб эмас.

**Н.ХОЛМЕТОВА,
— "Ma'rifat" мухбири**АВИАМОДЕЛЧИЛАР
БЕЛЛАШГАНДА

Яқинда Тошкент вилоятининг Аранчи аэродромида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика мудафасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази ҳамкорлигида "Авиамоделчилар" мусобақаси ўтказилди.

Мусобақага Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ёш авиамоделчилари йиғилиши ва 6 тур бўйича беллашувларни бошлаб юборишди.

Ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат руҳида, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини, авиамодел спортини замон талаблари даражасида ривожлантириш, истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилган мусобақаларда 81 нафар ўқувчи иштирок этди.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги Ёш техниклар Маркази директори Алишер Мирзаев ўз таассуротларини қисқача баён этди:

— Беллашувларнинг эркин учиб йўналиши бўйича қатнашяпмиз. Олти нафар тўғарак аъзосининг ҳар бири

узи ясаган моделлар билан бу ерга келган. Бу мусобақани йил давомида тўғаримизда олиб борилган ишларга яқун деб баҳолаш мумкин.

Шаҳримизда 40 та мактаб бўлса, деярли ҳамма мактабларда таълим оладиган ўқувчилар марказимизнинг у ёки бу тўғарағига қатнашади. Айниқса, 1-, 4-, 12-, 16-, 20-мактаблар ўқувчилари бизнинг энг фаол аъзоларимиздир. 20 дан ортиқ тўғарақда 700 нафардан зиёд ўқувчи вақтини мазмунли ўтказди. Бир мураббий 40 нафаргача ўқувчига машғулот ўтиши мумкин. Лекин баъзида тўғарак хоналарида болалар сони ошиб кетади. Бу ўқувчиларнинг самолётларга, турли учувчи жисмларга қизиқишини кўрсатади.

Мусобақага "Ватанпарвар" ташкilotининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси уринбосари Ғайрат Каланов бош ҳақамлик қилди.

Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази "Автомодел" мусобақасини Самарқанд шаҳрида, "Ёш фазогир" номи республика миқёсидаги мусобақани яқин кунлар ичида Жиззах шаҳрида ҳам ўтказди.

(Ушбу мусобақалар ҳақидаги тулиқ тафсилот билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.)

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

Oltin yoz — o'tmoqda soz

Оромгоҳ манзарали дарахтлар ўртасида жойлашган бўлиб, улар ҳовлига кирган кишининг баҳри-дилини очди. Ҳовли ўртасидаги ҳовуз атрофидаги сўлим мажнунтоллар эса атрофга ўзгача кўркамлик бахш этган.

Болаларнинг шодон кулгу-

ларга жавоб бериш шартлари бўйича баҳслашишди.

Юқори кайфиятда ўтказилган ушбу беллашувда "Ниҳол" гуруҳи голиб деб топилди. Оромгоҳ бош етакчиси И.Жуманиёзова эндиликда "Хотира — азиз, қадр — муқаддас" мавзусида учрашув ўтказиш режалаштирилганлигини таъкидлади. Бунда маҳалладаги қариялар, II жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этишди, болажонларнинг саволларига жавоб беришди.

Тарбиячилардан Ш.Оллоберганова, А.Ниёзметова, М.Тўлиевалар ва музика раҳбари Р.Бекчановлар ҳормайтолмай болаларга мириқиб дам олишлари учун ҳаракат қилмоқдалар. Оромгоҳда яхши ҳордиқ чиқарган болажонлар янги ўқув йилини зўр шижоат ва ғайрат билан бошласалар, ажаб эмас.

**Н.ХОЛМЕТОВА,
— "Ma'rifat" мухбири**

Abiturient-2002

Навоий давлат педагогика институтинда Республика Вазирлар Маҳкамасининг "2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" ги Қарорини пухта ва мукаммал бажаришга киришилди.

Жорий йилда мазкур институтга 1240 нафар абитуриент ўқишга қабул қилини-

жараёнига тегишли ахборотларни ўзида акс эттирган маълумотнома тайёрланди. Бундан ташқари, ёшларни касбга йўналтириш ишларини янада жонлантириш мақсадида кўнлаб шаҳар ва туман мактабларида ўқувчилар билан институтнинг ўнлаб профессор-ўқитувчилари ўртасида очиқ мулоқот тарзидаги учрашувлар ташкил

ҚАБУЛ
БОШЛАНДИ

ши режалаштирилган. Абитуриентларнинг 100 нафари педагогика йўналишидаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини бошланғич таълим мутахассислиги ҳамда мактабгача таълим бўлимининг таълим олаётган ёшлар орасидан сараланади.

Таъкидлаш ўринлики, таълим даргоҳига қабул мавсуми бошлангунга қадар институт раҳбарияти ва қабул ҳайъати ходимлари томонидан бир қанча ишлар тadbирлар амалга оширилди. Жумладан, таълим шакллари бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотаси ва қабул

этилди. Шунингдек, бу йўналишидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш борасида маҳаллий матбуот ва телевидение орқали мағрифий-тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

Абитуриентлар учун тегишли фанлар ҳамда тест имтиҳонларининг қабул технологияси бўйича консултация жадвали тахт қилинди. Абитуриентларнинг танлаган йўналиши бўйича топширган ҳужжатлари сони тўғрисидаги маълумотлар ҳар кунни модем орқали Давлат Тест марказига юборилмоқда.

**Ўткир ПЎЛАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири**

"Ma'rifat" sovrini uchun

ТАЪЛИМ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТИ

Спортнинг катта теннис турига халқимиз орасида қизиқиш катта бўлганлиги боис, истиқлолга эришганимизнинг илк йиллариданоқ унга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимиз Ислон Каримов ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро нуфузли турнир ташкил этилиб, мана у ҳозирга қадар анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинмоқда. Бинобарин, ушбу Президент кубогида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Седрик Пьолин, Карлос Мойя каби халқаро миқёсда профессионал даражага кўтарил-

олиятларини ёритиш, уларга маънавий кўмак бериш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Зеро, ҳар қандай кишининг меҳнатини қадрлаш, унинг кўнглига кириб бориш — бу энг олижаноб хизматлардан саналади.

"Маърифат" газетаси таъририяти халқ таълими тизими раҳбарлари ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини оммалаштириш, теннис мусобақасини тарғиб этиш учун шу ишга кўл урди. Энди жорий йилда илк марта ташкил этилган "Маърифат" газетаси соvrини учун мусобақаси ҳар йили ўтказилади ва анъанавий тус ола-

тов, "Ёшлик" кўнглили спорт жамияти Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, 3-гурухдан ярим финалга йўлланма олган:

— Тахминан 1,5 йил аввал теннис билан шуғуллана бошладим. Бўш вақтларимда деярли теннис ўйнайман. Бу биринчи галда соғлигимни мустаҳкамласа, иккинчидан ўзимни тетик ҳис қиламан, кайфиятим чоғ бўлиб, руҳим кўтарилади. Ўз навбатида бу нарсалар меҳнат фаолиятимга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Қисқача айтганда, теннис менинг хоббимга айланган. Таклифим, агар ушбу ўтказилаётган "Маърифат" соvrини учун турнир ҳар йили ташкил этилиб, анъана тусини олса айни муддао бўлар эди.

Ислонжон Зокиров, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи:

— Ўтган апрель ойида Фарғонада мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтган эди. Ана ўша вақтда, гарчи бизнинг ўқувчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчиликни эгаллаб, Президентимиз совғасига мушарраф бўлган эсаларда, уларнинг ҳаётига спортни янада кенгроқ олиб киришни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Ҳозир ана шу режаларимни амалга оширмоқдаман. Шу ўринда бир нарсани кўшимча қилмоқчиман. Яъни, биз катталар фарзандларимиз ҳақида қайғурар эканмиз, лекин ўзимизни ҳеч ўйламас эканмиз. Раҳбарларимизнинг бугунги ўйинларидан сўнг, шу хулосага келдимки, бундан буён ўзим ҳам спортга жиддий ёндошаман, хусусан, теннисга. Чунки, спорт юқорида айтилганидек, соғлом ривожланишни таъминлайди. Бинобарин, соғлом кишигина соғлом фикрлайди. Бу эса ишнинг ривожига дега ни. Дарвоқе, "Маърифат" турнири ҳар йили ўтказилса, яхши бўлади. Сабаби, ҳар бир инсонда ғалабага бўлган иштиёқ бор. Бу сафар ютказ-



ган раҳбар кучли тайёргарлик кўриб, келгуси йил албатта, муваффақият қозонишга ҳаракат қилади.

Маҳмуджон Алиев, Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— Ушбу турнир орқали Халқ таълими вазирлигининг асосий наشري ҳисобланган "Маърифат" газетасини республика миқёсида кенг тарғиб этиш мумкин. Бугунга келиб спортнинг теннис тури дунё миқёсида тез оммала-

ҳақида ўзаро фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик. Ва, газета орқали ютуқ-камчиликларимизни, муаммоларимизни ҳал этиш йўлларини ўргандик. Бугун ниҳоясига етадиган мусобақани кўриб, энди бу ташаббусни Навоий вилояти халқ таълими тизимида ҳам амалга ошираемиз. Ўз навбатида, таълимимиз масъуллари ҳам туманларда буни кенг тарғиб этишади. Қарабсизки, бу хилдаги тарғибот ўқувчиларимиз қалбига етиб боргач, келгуси йил Хоразмда бўлажак "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида катта теннис бўйича, албатта, зафар қучамиз.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, "Маърифат" газетаси турнирини ўтказишдан кўзланган мақсадни биз юқорида айтиб ўтган эдик. Кўриб турибсизки, раҳбар ходимларимиз турнирнинг замиридан янги қирраларни излаб топдилар, бу орқали янги мақсадларга етишиш мумкинлигини эътироф этдилар. Зеро, бошлаган бу хайрли ишимизни келгусида ҳам албатта, давом эттираемиз ва ҳар йили ўтказилажак анъанага айлантираемиз. Ниятимиз, турнирни таълим раҳбарлари ўртасида оммалаштириш ҳамда сеvimли мусобақага айлантиришдир.

Дарвоқе, "Тошкент теннис Маркази"нинг директори, тренерлари, қисқаси барча ходимлари ушбу мусобақанинг яхши ўтишида бош-қош бўлишмоқда.

Газетанинг келгуси сонидан эса турнир ғолиблари ва уларнинг муваффақият қозонишларида кўл келган жиҳатлари ҳақида маълумот бераемиз.

Камолитдин АЛИОХУНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири
Бурҳон РИЗО олган суратлар.



ган моҳир ракетка усталарининг иштирок этиб келаётганликлари, мазкур турнирнинг нуфузи қай даражада юқори эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари аёллар ўртасида "Тошкент оупен", "Челленжер" мусобақаларининг ташкил этилаётганлиги ҳам фикримизни янада мустаҳкамлайди. Зеро, бугун теннис мусобақаларига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани боис, республикамизнинг барча вилоятларида замонавий, барча талабларга жавоб берадиган теннис кортлари қад кўтарди. Ва улар ҳозирга келиб спортга ошно кишиларнинг сеvimли ўйингоҳларига айланди.

Теннисга бўлган бу каби оммавий қизиқиш сабаб, кеча пойтахтимиздаги нуфузли теннис кортлардан саналган "Тошкент теннис маркази" ўйингоҳида республикамиз зиёлилари нашри ҳисобланмиш "Маърифат" газетасининг соvrини учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилот раҳбарлари ўртасида теннис мусобақалари бошланди.

"Маърифат" жамиятимизнинг барча қатламлари аъзоларига ёшлиқдан сабоқ ўргатиб, уларнинг маърифатли бўлишлари учун қайғурган устоз-мураббийларимиз фа-

ди. Кеча 5 гуруҳга бўлиниб куч синашган таълим фидойилари бугун ярим финал ҳамда финал баҳсларини ўтказдилар. Ва, биринчи ўринни эгаллаган ғолиб Халқ таълими вазирлигининг биринчи даражали диплом ҳамда "Маърифат" газетаси кўчма кубоги ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари эса II—III даражали диплом ҳамда махсус совғаларга сазовор бўлишади. Шунингдек, фаол қатнашган иштирокчилар ҳам тегишли номинациялар бўйича эсдалик совғаларини қўлга киритдилар.

Қуйида биз турнир иштирокчилари билан суҳбатда бўлдик.

Муҳаммаджон Тошма-



Торларнинг мохирона чертилишидан, созанда қалбининг титрашидан бунёд бўлаётган сеҳрли, турфа маромдаги майин мумтоз куй янграпти. Бир байрам баҳона йиғилишган эллик нафардан зиёд ёшлар юз-кўзларига қараб ушбу мусиқани ижобий маънода ҳис қилишаётганини кузатмаймиз. Аксинча, ҳаммасинингмасу деярли ярмидан ошигининг ушбу мумтоз куй "Феруз"ни хушламасдан, энсалари қотганича қабул қилаётганини кўриш мумкин. Бу вазиятни "Тўғри тушуниб етган" кеча ташкилотчилари миллий маънавиятимиз дурдоналаридан бири бўлган куйни дарров тугатишди-да замонавий "ПОП" усулидаги машхур бир хорижий куйни ўтирганлар эътиборига ҳавола этишди. Бирданига залда жонланиш бўлди. Йиғилганлар ўтирган жойларида беихтиёр қўл-оёқларини ҳаракатга келтириб, кўтаринки кайфиятда рақсга туша кетди. Шундан сўнг оғир, вазмин "Титаник" янгради, ёшлар уни ҳам ҳис қилишди, мос равишда рақсга тушишди.

Ўйланиб қолдим: ўзимизнинг тилимиздаги сўзларда айтилган миллий куй-қўшиқларимизни кўпчилик ёшларимиз қабул қилишмайди-ю, аммо ўзга тилда куйланган, рақс жараёнида ҳам кескин ҳаракатларни талаб этадиган мусиқаларни жон қулоқлари билан эшитишади. Бу фикрлар билан хорижий куй-қўшиқларни камситиш ниятидан йироқмиз. Ундан кейин қай йўсинда, қайси миллат санъат асаридан завқланиб маданий дам олиш ҳуқуқлари ҳам чеғараланмаган. Фақатгина бу ерда миллий кадрларимиз, меросимизни, хулласи ўзбекон менталитетимизни ўзида акс эттирган санъат асарларимизга бўлган бу каби муносабат нотабийдек гўё.

Миллий мафкура, миллий ғоя тушунчаларини ёшлар онгига сингдиришни бугун таълим тизимининг илк босқичи бўлган мактабгача таълим муассасала-

Fikr, mulohaza, taklif

ридан бошлаган эканмиз, бу албатта миллий дунёқарашнинг юксалишига хизмат қилади. Зеро, ушбу мулоҳазаларимиз

Мумтоз куй-қўшиқларга салламно солиб рақс тушишганда эса, улар бор ижроларини мурағаккина қалбдан чиққан ҳаро-

— Агарда бой меросимизнинг ўлмас дурдоналари саналадиган мумтоз куй-қўшиқларимизга нисбатан мана бу жажжи болаларимизда меҳр-муҳаббат уйғота олсак, шундагина орзумиздаги миллий кадрлар шак-

га ҳижжалаб ўргатаётган бу боғча опа ўз фикрларини куйидагича баён этди:

— Ҳозир мен Тоҳиржонга "Фарғона тонг отгунча"ни ўргатаёйман. Чунки, унинг қўшиқ айтишга иқтидори бор. Энди ашуланинг оғирлигига келадиган бўлсак, Тоҳиржон имконият даражасида айтади. Асосийси, болаларда шундай куй-қўшиқларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонади. Ҳозир замонавий технологиялар тараққий этган даврда кўпчилик мактабгача таълим муассасаларида фақатгина техника кучига ишониб қолинган. Бу ерда меҳнат ҳам жуда кам талаб қилинади ва мусиқалар ҳамда унга мослаштирилган рақсларнинг ҳам савияси саёз. Бугун шундай руҳда ўсган бола кун келиб шу йўсиндаги мусиқий дунёга ошно бўлади. Тўғри, мусиқий ускуналардан ҳам фойдаланиш керак, лекин болажонларнинг ўзларининг имкониятлари келишиб турган жойда оз бўлсада изланувчанлик бўлиши лозим. Ҳатто шундай боғчаларни биламанки, мусиқа раҳбарлари умуман фаолият кўрсатмайди. Бирон-бир тадбир ёки байрамларда кичкинтойлар фақатгина магнит тасмасига туширилган қўшиқларга рақс тушишади. Миллий мусиқамизга бўлган муносабатнинг ҳаминқадарлиги, бу борадаги саводхонлигимизнинг пастлигига шу каби кўз илғамас омиллар сабаб бўладики, бундан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам миллий сахна кийимлари, қўшиқлар, ўйинчоқлар фарзандларимиз онгида тез тасаввур уйғотадиган воситалар саналади. Шундай экан, бу хусусдаги ҳаракатларимизда совуққонликка йўл қўймасликнинг вақти аллақачон етиб келди, менимча.

Биз ҳикоя қилган мактабгача таълим муассасасидаги миллий куй-қўшиқларимизни болажонларга ўргатиш борасидаги тажрибалар ва ходимларнинг фикрларини кенг амалиётга тавсия этса арзийди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

МУСИҚАНИ ТУШУНИШ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

ёхуд "Ушшоқ", "Муножот", "Чўли ироқ", "ПОП", "РОК" ҳақида



далил-исботи сифатида Паркент туманининг "Лола" номли 2-мактабгача таълим муассасасида олиб борилаётган ишларни кўрсатиб ўтса арзийди. Бу масканинг 160 нафар кичкинтойлари "Шошмаком"нинг қатор куйларидан тортиб "Мустаҳзоду", "Ушшоқ", "Чўли ироқ", "Муно-жот"гача бошларини сарак-сарак қилиб тинглашади.

рат эвазига амалга ошираётганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, байраму тантаналарда ноъанавий ва намунавий машғулотларда мусиқий дастурларнинг миллий руҳ билан ўтилиши тумандаги барча МТМ ходимлари, мусиқа раҳбарларига ўрнатилган бўлиб келмоқда. Бу хусусда Паркент тумани ХТБ ДТСМБ назоратчиси Абдузхур Қорабоев шундай дейди:

ланиб, бугун бизни қайғуришга мажбур қилаётган юқоридаги каби ёшлар тарбияси ташвишга солмайди.

Дарвоқе, масканда боғчадаги олиб борилаётган шу йўналишдаги амалларда мусиқа раҳбари Шоира Турсунованинг ижодкорлиги ҳаракатчанлиги қўл келмоқда. "Фарғона тонг отгунча"ни жижжақкина болажон-

Ҳар йили ёз фаслида жажжи болажонларимизга мактабимиз қошида оромгоҳ ташкил этиб, уларнинг кўнгли ва мириқиб дам олишлари учун шарт-шароитларни яратамиз. Бу йил "Қалдирғоч" оромгоҳимизда 1—4-синф ўқувчиларидан 50 нафарининг ёзги дам олишларини мароқли ўтказишга ҳаракат қилаёلمиз. Манзура Ҳайдарова, Раъно Жумаева, Ширин Шоймардонова, Навбахор Хурсановалар етакчилик қилаётган болалар икки гуруҳга бўлиниб, спорт мусобақалари, шеърхонлик мушоираларини ўтказдилар. Фарзандларимизга мактаб боғининг энг сўлим жойларидан дам олиш жойини ажратганмиз. Улар бўш вақтларида шахмат-шашка, домино ўйнашади, спорт билан шуғулланишади.

Айниқса, болажонларимизни табиат кўйига саёхатга олиб чиқиш энг мароқли машғулот саналади. Кунора "Кувноқ стартлар" мусобақасини ўтказамиз. Дам олувчилардан А.Эргашев, М.Йўлдошев, ака-ука Ашуралиевлар барчага намуна бўлаяпти. Улар ўқув хонамизда тенгдошларига "Гулхан", "Гунча", "Тонг юлдузи" каби газета ва журналларни ўқиб беришади. Овқат, тиббиёт масалалари ҳам кўнглидагидек ҳал этилганки, бугунги ишларимизнинг барчаси соғлом авлодни тарбиялаб воёга етказиш учун қилинмоқда. Кўчқорали ЭРГАШЕВ, Сариосиё туманидаги 4-мактаб қошидаги "Қалдирғоч" оромгоҳи раҳбари

БОЛАЖОНЛАР ОНАСИ

Мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётган жажжи болажон ўз боғча опаси ва мудирасини қандай яхши кўрса, Ҳамида опани ҳам шундай яхши кўради. Чунки, бирон-бир тадбир ёки байрамда боғчага борган қахрамони миз ҳар қайси болага алоҳида меҳр билан қарайди.

Эсимда бор, Чилонзор туманидаги бир боғчада "Наврўз — миллий байрамимиз" очиқ машғулоти оммалаштириш бўйича болажонлар сахна кўринишини намойиш этишаётганди. Даврада 3-4 қизалоқ сумалакнинг пайдо бўлишини таъсирли, жонли қилиб, кўзларига ёш олган ҳолда онаю болалар родини бажаришаётган бир пайтда ҳамманинг диққат эътибори уларда эди. Ҳамида опа ҳам ҳаяжондан кўз ёшларини яширолмай, борлиги қулоқ бўлганича оддий томошабинга айланганди. Шунда, орқаворотдаги ўтирганларнинг пичир-пичир гаплари ҳаммага халақит берди. Сахна кўриниши тугагач Ҳамида опа раҳбар сифатида ўтирганларга танбех берди:

— Ўзларингиз айрим ҳолларда кўпчилик ичида фикрингизни айтишга ҳаяжонланиб қоласиз. Нега энди сизлардан ёширо, савлати уч-тўрт марта кичик бўлган болажонларнинг меҳнатига, иқтидори-



ни ҳурмат қилмайсиз. Шунинг билан, боланинг кўнгли сиз билан бизниқидан кўра, сезгирроқ, сиз билан бизниқидан кўра нозикроқ бўлади.

Ҳақиқатдан бола кўнглини тушуниш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундан қиёс қилаверинки, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи вазифасида 19 йилдан бери ишлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳамида Аҳмедованинг бутун меҳнат фаолияти болаларга бағишланган десак янглишмаймиз. Бу меҳрибон раҳбар Республикамиздаги мактабгача таълим тизи-

мини ривожлантириш, турли хилдаги мактаб-боғча мажмуаси, хонадон боғчалари, махсус мактабгача таълим муассасалари, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича қонунлар, давлат қарорларини қабул қилишда берган салмоқли тақлиф ва мулоҳазалари соҳа мутахассисларининг эътиборида бўлиб келяпти. Айниқса, мактабгача таълим тизимида Республика миқёсида ўтказиладиган "Йил тарбиячиси", "Севимли ўйинчоқлар", "Соғлом авлод учун", "Соғломжон-полвонжон" кўрик танловлари, "Ўзбек тили" фестивали, илмий анжуманлар ва бошқа семинар кенгашларини ташкил қилишда Ҳамида опанинг бош-қош бўлиши диққатга сазовор.

Умуман, Ҳамида Аҳмедовани ҳам раҳбар, ҳам меҳрибон она, ҳам сирдош дугона сифатида бирга ишлайдиган касбдошлари хурмату эътиром қилишади ва у билан боғлиқ жуда кўплаб қизиқарли воқеалару самимий гапларни гапиришади. Шу ўринда, Ҳамида Аҳмедовани 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Болажонларнинг жонқуяр раҳбари ва опаси бўлган, таълим тизимида муносиб ўрнига эга меҳрибон аёлнинг бутун фаолиятига муваффақият тилаймиз.

Насиба ЭРХОНОВА

“Меҳмонхона” мизнинг бугунги меҳмони — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров. Таниқли актёр 1948 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўзбек Миллий академик драма театри актёри сифатида шу кунга қадар юздан ортиқ роллар ижро қилди. Мухлислари уни “Темир хотин” фильми, “Шайтанат” видеофильми ва кўплаб спектакллардаги роллари орқали жуда яхши билишади ва ардоқлашади.

— Барчамизга маълумки, сиз санъаткор оиласида ўсиб-улғайгансиз. Албатта, оиладаги санъатга бўлган меҳр қалбингизга болалигингизданок сингган. Болалигингиз кечган давр ва муҳит, албатта, бугунгидан фарқ қилади. Уша даврнинг қайси жиҳатлари кўнглингизга кўпроқ таъсир қилган. Шу ҳақда ва умуман ўқувчилик даврингиз ҳамда устозларингиз тўғрисидаги фикрларингиз билан суҳбатимизни бошласан.

— 1956 йилда пойтахтимиздаги 102-ўрта мактабнинг 1-синфида ўқишга берганман. Синф раҳбаримиз Галила Ялаловна деган аёл киши бўлган. Тўғриси айтсам, мактабда ўқиш давримда бирор бир фанга алоҳида қизиқмасдим. Айтганингиздек, санъатга бўлган меҳр ёшлигимданок кўнглимда куртак ота бошлаган. Бунга, албатта, оила муҳити таъсир қилган. Чунки бизникига ўз даврининг буюк санъаткорлари Комилжон Отаниёзов, Тамарахоним ва бошқа кўплаб санъат дарғалари тез-тез келиб турар, санъат соҳасига тегишли қизгин суҳбатлар жуда кўп бўларди.


Бир куни, 2-синфдагимда бўлса керак, бизникига меҳмонга келган Комилжон Отаниёзов гурунгда давомида кўлига торини олди-да, кўшиқ айта бошлади. Суҳбат пайтида жимгина қулоқ солиб ўтирган бўлсам-да, ушбу кўшиқ оҳанги қаттиқ таъсир қилди, билмадим, беихтиёр ўйинга тушиб кетибман. Кўшиқ тугагач, Комилжон ака отамга қараб, “ажойиб рақсга тушарканку, яхши ўргатибсиз. Қонида бор-да!” деб кулимсираб қўйди. Отам ҳам ажабланганича “менинг ҳам биринчи кўришим, кўз олдимда биринчи бор рақс тушиши”, дедилар. Мен эса уялганимча нариги уйга ўтиб кетдим. Шу воқеадан сўнг маълум вақт ҳозирги ўқувчилар саройидаги рақс тўғарагига қатнаганман. Ушбу рақс тўғараги аъзоси сифатида собиқ иттифоқнинг кўплаб шаҳарларида ҳам бўлганман. Шунингдек, доира чалишни ўзим мустақил ўрганган эдим. Шундан сўнг отам менга доира сотиб олиб берганлар. Шу тариқа кўнглимдаги санъатга бўлган меҳр тобора улғай борди ва 8-синфни тугатганимдан сўнг Алишер Навоий номидаги

опера ва балет катта театрида оммавий сахналарда чиқа бошладим.

— Отангиз атоқли санъаткор Карим Зокировнинг оила тарбияси хусусида сўзлаб берсангиз?

— Албатта, санъат ўз йўлига. Яъни санъаткор қанча машҳур бўлсаю оиласида тотувлик бўлмаса, машҳурлигидан не ҳолат? Айтмоқчиманки, отам оилага жуда меҳрибон киши эдилар. Кўчада кўрган кишига, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашарди. Айрим ҳолатда баъзилар отамга “нима қиласиз шу билан сўрашиб, у бир ичкиликбоз бўлса” қабилдаги сўзларни айтса, “ахир у ҳам инсон, унинг ҳам кўнгли бор”, деб қўярдилар. Шунингдек, отам уй

Меҳмонхона



холос. 1967 йилда театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Санъат)га ҳужжат топширдим. Мана 1971 йилдан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида ишлаб келаяпман.

Болалик давримда шифокор бўлишни истаганимни ҳам айтиб ўтишим жоиз. Бунга Ботир акамнинг энг яқин дўсти бўлган шифокор Анвар Мақсудов деган киши сабаб бўлган-дир балки. У киши оиламиз билан доимий бордикелди қилар ва бизнинг саломатлигимиздан ҳам тез-тез хабар олиб турарди. Қолаверса, у маҳаллар ўқитувчию санъаткорлар

берганман. Бундан ташқари, телевидениеда ҳам 3-4 та кўшиқ айтиб чиққанман. “Ўнта болам бор” деган ҳазил кўшиқнинг бир мунча овоза бўлгани ҳам бор гап.

— Ботир Зокировнинг ажойиб рассом ва драматург бўлганидан хабардормиз. Сиз санъатнинг яна қайси турларига қизиқасиз?

— Юқорида айтганимдай, бошланғич синфда ўқиш давримда рақс, кейинроқ доира чалиш, умуман санъатнинг барча турларига қизиқаман ва ҳар бирини ардоқлайман.

— Фарзандларингиз ҳам санъат соҳасида меҳнат қилишмоқда...

— Қизим санъатшунос. Ўғлим Жавоҳир кўшиқчи санъаткор бўлиш ниятида. Бугунги кунда фаолият юритаётган “Болалар” гуруҳининг ташкил этилишида унинг ҳам хизмати бор. Қишда концерт дастурини ҳам ўтказди. Мен эса кўпроқ унинг актёр бўлишни хоҳлардим. Чунки унда кўшиқ айтишга нисбатан актёрликка маҳорати ва мойиллиги кўпроқ. Мутахассислиги ҳам кино билан боғлиқ, яъни у Москва кино санъати институтини тугатган.

— Санъатни деб пандеган пайтингиз бўлганми?

лантирган бўлсам-да ва уларнинг ҳар бирининг ўз дунёси мавжуд эса-да, барибир ўзим ўйлаган рол эмас улар. Айтдим-ку, ёшлигимда шифокор бўлишни ҳам хоҳлаганман. Ва, негадир, ушбу касб эгасини ўйновчи рол ҳали тўғри келмаяпти. Шифокор образини, хоҳ у кинода, хоҳ театрда бўлсин, ижро этиш мақсади йўқ эмас.

— Режиссёрликда ўзингизни синаб кўриш ниятингиз борми ёки...?

— Йўқ. Чунки халқимизда “чумчуқ сўйса ҳам қас-соб сўйсин”, деган ажойиб нақл мавжуд. Шундай экан, режиссёр режиссёрлигини, актёр актёрлигини қилгани маъқул, деб ўйлайман.

— Радио, телевидениеда бериладиган рекламаларда актёрларнинг иштироки хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдим...

— Албатта, бирор бир ташкилот, фирма ёки ишлаб чиқариш корхоналари тараққиёти реклама билан боғлиқ. Бугунги кунда бунингиз кўзлаган мақсадга эришиш мушкул. Лекин, биласизми, актёрларнинг бу жараёнга қўшилиши ўша ташкилотга фойда келтирадиган бўлса, бу айб эмас. Қолаверса, сир эмас, ҳар қандай актёр ҳам бу ишга жалб қилинмайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам айтишим керак, бугун берилаётган рекламалар ўша реклама қилинаётган маҳсулотнинг туб моҳиятини очиб беролмаётгандай, назаримда...

— Театрдаги томошабин маданияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Биласизми, ёз фасли бошланаверса, айрим театр актёрлари безовтала бошлайди. Бу ёзнинг иссиқ куни ёки дим ҳавосидан эмас, балки баъзи мактаб ўқувчиларининг театрларга мажбуран томошага олиб келиниши билан боғлиқ. Негаки, албатта, барчаси дея олмайману маълум қисм томошабин залда тинч ўтирмайди. Айримлар учинчи кўнгирак чалингандан кейин театр залига кириш ҳам сахнадаги актёрни чалғитиши мумкин эканлигини ўйлаб кўрмайди. Баъзан шуларни ўйламану, мактаб дастурида томоша маданияти ҳақида ҳам нимадир ўтилса экан, деб кўяман. Бунақа ҳолат фақат мактаб ўқувчилари билан эмас, кап-катта одамлар иштирокида ҳам содир бўлишини эса ҳазм қилиш қийин.

— Суҳбатимиз сўнггида “Маърифат” муштарийларига тилақларингиз...

— Бу гизатнинг асосий ўқувчилари ўқитувчилар бўлгани боис уларга аввало, сабр-тоқат тилайман. Чунки ўқитувчилик машаққатини хореография билим юртида талабаларга маълум муддат актёрлик маҳоратидан дарс берганимда билганман. Шунингдек, уларга бу масъулиятли фаолиятида омад ва саломатлик тилайман.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ
суҳбатлашди.

Жамшид Зокиров:

САНЪАТКОР БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭСА

ишларига ҳам уста ва шу билан бирга кўли гул дуррадгор бўлганини айтишим жоиздир.

— Жамшид ака, санъаткор бўлмаслигингиз ҳам мумкин эдимми?

— Мумкин эди. Фақат мен отамнинг таклифига рози бўлганимда. Яъни мактабни тугатганимдан кейин отам ёнига чақирди-да, “ўғлим, оиламиздан бошқа касб эгаси ҳам чиқсин, шунинг учун пазандачилик техникумига ўқишга ҳужжат топширмайсанми?”, дедилар. Албатта, дабдурустдан бундай демаган, бирор нарсани режа қилиб айтган эдилар. Чунки ўша вақтда водийдан келган бир-иккита қариндошимиз пазандачиликка ўқишга кирган эди. Хуллас, мен бу таклифга рози бўлмадим. Шундан сўнг уч ой Ботир акам билан собиқ иттифоқнинг турли шаҳарларида гастролда бирга бўлдим. У киши билан сахна устаси сифатида бирга юрдим. Гастролдан уйга қайтганимдан кейин 1965 йилда Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирдим. Ўқиш уч йил эди, мен эса у ерда бир йил ўқидим,

қатори шифокорларга ҳамма ҳавас билан боқарди.

— Бугунги эстрада кўшиқчилиги асоси, шубҳасиз, Ботир Зокиров ва “Ялла” гуруҳи фаолияти билан боғлиқ. У киши ўзбек мусиқа санъатида ўчмас из қолдириб кетди. Яна бир акангиз Фаррух Зокиров бугун Ботир Зокиров бошлаган ишни муваффақиятли давом эттириб келмоқда. Сўрамоқчи бўлганим, сиз санъатнинг актёрлик соҳасида фаолият юритиб келаясиз. Умуман кўшиқ айтганмисиз?

— 80-йилларда Юрий Николаев деган киши олиб борадиган “Утренняя почта” номли русча кўрсатув бўларди. Москвадан олиб кўрсатиладиган ушбу кўрсатувнинг бир сони Тошкентда ёзиб олинган бўлди ва кўрсатувни Ю. Николаев билан мен олиб борадиган бўлдик. Ўшанда кўрсатув охирида бошловчи мендан кўшиқ айтишимни сўраганида рад қилмаганман. Кўрсатув учун Дони Илёсов мусиқаси билан айтилаётган “Паллов” деган кўшиқни айтиб

— Йўқ. Лекин шу ўринда бу ҳақда ўз мулоҳазаларимни билдириб ўтсам. Бугунги кунда оддий отарчининг ҳам санъаткорликка даъво қилаётгани сир эмас. Айнан шунинг учун ҳақиқий санъаткор билан оддий отарчига баҳо берилаётганда бу нисбатни албатта эсдан чиқармаслик керак. “Нисбат” деганда нимани назарда тутаяпман, айтмоқчиманки, масалан, отарчи бирор бир тўйга, албатта, моддий манфаатини кўзлаб хизматга боради. Санъаткор эса қариндоши ёки дўстининг ҳурмати, юз-кўзи деб хизмат қилади. Ана энди бунини тушунмаганлар санъаткорга отарчига бўлган муносабатда бўла бошлайди. Мана нисбат ва тушунмовчилик.

— Театр, кино, видеофильмларда кўплаб рол ижро этгансиз. Бу ролларингиздан қайси бирининг қахрамони ички дунёсини кўпроқ ўзингизга яқин деб биласиз?

— Шу кунга қадар юздан ортиқ рол ўйнаган бўлсам, ҳали кўнглимга яқин ролни ўйнадим, дея олмайман. Тўғри, кўплаб турли касб эгалари образини гавда-

Қахрамонимиз Фанишер Шодмонов бугун олтимиш ёшнинг остонасида турибди. Бир инсон кўриши мумкин бўлган ҳамма нарсани — шодликни ҳам, қайғуни ҳам, бахтни ҳам кўрган ва энг муҳими ҳаётнинг ҳар бир сабоғидан ўзига хос тўғри ва аниқ хулоса чиқара олган.

1942 йилнинг бугдойлари пишган маҳалда Жиззах вилоятининг Жиззах туманида туғилган Фанишер аканинг болалиги иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийин шароитга тўғри келди. 1949 йилда Жиззах туманидаги 17-мактабнинг биринчи синфига борганида у ҳали ҳаётни тўлиқ англай олмасди. 1959 йили мактабни тамомлаган Фанишер аканинг орзулари бисёр, мақсади эса битта эди. У муаллим бўлади. Ана шу ниятини амалга ошириш учун ўша йили у А.Навойи номидаги Самарқанд Давлат Университетига ҳужжатларини топширди ва талаба бўлди.

Ўшандан буён не-не сувлар оқиб ўтмади, дейсиз? Москва Давлат Университетидаги таҳсил, Кибернетика илмий-текшириш институтидаги, Тошкент Давлат Политехника олийгоҳидаги (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети) меҳнат, буларнинг барчаси Фанишер Шодмонов учун катта бир мактаб бўлди. Ўқиди, изланди, талабаларга билим бериш билан бирга ўзи ҳам илмий излашни олиб борди.

— Илк устозларим марҳум Х.Оллоёров, кексалик гаштини сураётган она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ж.Худойбердиевлар ҳамон қалбим

“ЯНА ЎҚИТУВЧИ БЎЛАРДИМ”

тўрида. Уларнинг меҳнатлари нақадар заҳматли ва қийин бўлганлигини мана бугун тушуниб турибман. Кейин менинг ўқишим учун маблағ ҳам, маънавий кўмак ҳам берган инсон — тоғам, Х.Саидзимовдан бир умр миннатдорман, дейди Ф.Шодмонов. — Ўтган умримдан розиман. Агар яна ҳаёт ортга қайтса ва мен қайсидир касбни танлашим керак бўлса, албатта ўқитувчиликни танлардим.

1968 йилда меҳнат фаолиятини Тошкент Давлат Политехника институтидан бошлаган Ф.Шодмонов 1976 йилда ҳукумат қарори билан самолётсозликни ривожлантириш мақсадида ажралиб чиққан Авиация институтининг самолётсозлик факультетида давом эттира бошлади. Ўтган йиллардан буён домла халқимизнинг “дарахт бир жойда кўкаради”, деган нақлига амал қилиб, институтнинг “Олий ва амалий математика” кафедрасида ишламоқда.

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Уларда билим олишга, дунёга чиқишга барча имкониятлар бор. Келажакимиз эгалари бўлган ёшлар ҳаётга енгилелли қарамасликлари, муаммоларни енгиб ўтишга ўзларида куч топа олишлари керак. Илм билан шуғулланмоқчи бўлган йигит-қизларимиз ҳар бир масалага илмий жиҳатдан ёндашишни ўрганишлари лозим. Бежизга айтишмайдику, илм ўрганмоқ, игна билан қудуқ қазимок, деб, -дея сўзлайди домла.

Ҳамкасблари “Шухрат” медали совриндори Ф.Шодмоновни ҳавас қиларлик ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Ана шу эҳтиром ва эъзозга сазовор домланинг умри узун, оиласи тинч бўлсин.

Азиза ҲАЙДАРОВА,
Тошкент Молия институти қошидаги
солиқ лицейи ўқувчиси

“ҲИМОЯ” ЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ёз мавсумининг бошланиши ўқувчи ёшлар учун олам-олам қувонч келтирса, талаба-ёшлар учун бу ой жиддий “ташвиш”лар туғдиради. Талабалар ёзги имтиҳон ва синовлардан, шунингдек, битирувчи талабалар давлат имтиҳонларидан “эсон-омон” утиб олиш учун елиб-югурадлар. Ҳозирда ҳам уларнинг бир дақиқа ҳаловат олишга имконлари йўқ. Сабаби, барча олий ўқув юрларида бугун битирувчи бакалавр ва магистрантларнинг малакавий битирув ишлари ва магистрлик иши диссертацияларининг ҳимояси булиб ўтмоқда.

Биз пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юрларида булиб, битирув иши ҳимоялари жараёни билан қизиқдик.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида жорий ўқув йилида бакалавр ва магистрлик босқичи бўйича 300 дан зиёд талаба ўқишни тамомламоқда. Мазкур институтда 1999 йилда магистратура факультети 12 йуналишда мустақил тарзда ташкил этилиб, унда 2000-2002 ўқув йилларида таҳсил олган 146 нафар мутахассис март-апрель ойларида давлат аттестация синовларидан муваффақиятли утиб, бугун магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилмоқдалар. Магистрантларнинг ҳимоя муддати 25 майдан 30 июнга қадар белгиланган бўлса-да, ҳозирда уларнинг 90 фоизи диссертация ҳимояларини якунлашди.

Нозима Нуриддинованинг “Соғлом авлод тарбиясида Куръон ва ҳадисларнинг аҳамияти” мавзусидаги диссертация ишига академик Нейматулла Иброҳимов илмий раҳбарлик қилган. Диссертация ҳимояси кўпчилик профессор-домлалар томонидан юксак эътироф этилди ва унинг илмий иши “аъло”га баҳоланди.

Шу кунги тушликка қадар ҳимоядан муваффақият билан утган тарих йуналишидаги Мирзоҳид Қосимовнинг “Низомул-мулкнинг “Сиёсатнома” асари давлат бошқарув тарихининг муҳим манбаи” мавзусида, Дилдора Абдуллаеванинг “Жавоҳирул-аҷойиб” тазкираси адабий манба сифатида” номли диссертация ишлари ҳам юқори баҳо берилди.

Институт талабаларининг битирув ишларидаги ўзига хос айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш керак. Талабаларнинг деярли аксарияти илмий ишни тайёрлаш жараёни-

да уз мутахассисликлари доирасида, яъни қайси хорижий тилни мукаммал ўзлаштирганига қараб, ўша тилдаги илмий-адабий манбалардан фойдаланиб, диссертация, малакавий битирув ишларини асосан хорижий тилда ҳимоя қилдилар. Шунингдек, 20 дан зиёд магистрантнинг бир қатор фарб ва шарқ давлатларининг нуфузли университетларида таҳсилни давом эттираётганлиги ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Бакалавр йуналиши бўйича ҳам малакавий битирув ишлари ҳимояси деярли уз якунига етди. Биз институтнинг Шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи факультетида

Jarayon

булиб, битирув иши ҳимоялари натижалари билан қизиқдик.

— Жорий йилда факультетнинг филология бўлимини 43 нафар, тарих бўлимини эса 20 нафар талаба битирмоқда, — дейди биз билан суҳбатда факультетнинг декан уринбосари Икром Султонов. — Факультетда асосан уч йуналиш — шарқ филологияси, Марказий Осиё халқлари тарихи, хорижий мамлакатлар тарихи йуналишлари бўйича талабалар таҳсил оладилар. Битирувчи талабаларнинг ёзган малакавий ишлари бир қанча етакчи олимлар томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, тарих йуналишида Манзура Рузиева тайёрлаган “Миср ва Ўзбекистон Республикасининг сиёсий-маданий муносабатлари”, Маҳфуза Зокированинг “Зардуштийлик ва Авесто жаҳон динлари умумбашарий ғояларининг манбаи сифатида”, Эркин Усмоновнинг “Афғонистон муаммосининг ҳал этилишида Марказий Осиё давлатларининг роли”, Нигора Мирзаҳмедованинг “Эрон ва Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва маданий муносабатлари”, филология йуналиши бўйича Камолитдин Нейматовнинг “Араб адабий тили ва Миср лаҳжасида аниқловчи эргаш гапли қўшма гап” сингари мавзулардаги илмий ишлари узининг долзарблиги, мавзунинг янгилиги, унда келтирилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти шарқшунос олимлар

томонидан алоҳида эътироф этилди.

Тошкент давлат авиация институтини жорий йилда 203 нафар талаба бакалавр дипломи билан, 53 нафар талаба эса магистрлик йуналишида ўқишни якунига етказиши режалаштирилган. Институтда учта факультет фаолият курсатиб, битирувчи талабалар асосан икки — фуқаро авиацияси ва авиаконот факультетларидан 9 йуналишдаги мутахассисликни қўлга киритиб, амалий ишга йўлланма оладилар. Ҳозирда ушбу институтда малакавий битирув ишлари ҳимояси авж паллага кирган.

Авиаконот факультети битирувчиси Музроб Аҳмедов шундай таъкидлайди:

— Мен “Оғир юк самолётини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кранштейн детали технологиясини яратиш” мавзусида битирув иши ёздим. Менга яқиндан ёрдам берган профессор Камол Усмоновга алоҳида миннатдорлик билдираман. Авиация заводидаги бир неча ойлик амалиётда самолётнинг бир қанча деталларини мукаммал урганишга ҳаракат қилдим. Мен илмий иш лойиҳаси учун объект қилиб олган кранштейн детали самолётнинг айланма ҳаракат мавжуд бўлган жойида, яъни унинг қанотида қўлланилиб, узунлиги 1,5 метрни ташкил этади ва асосан юк ташиш самолётларида, жумладан Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган “Руслан” русумидаги самолётда ишлатилади. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида мазкур самолётнинг ҳар бир детални синчиклаб урганишга тўғри келди. Аввало кранштейн деталининг қандай кучда ишлаши, унинг хом ашёси мустаҳкамлигига, қай тарзда қўлланилишига, эътибор қаратдим. Детални тайёрлашда ортиқча чиқитга йўл қўймайди эътибор қаратдим ва унинг хом ашё оғирлигини 13 кг дан 8.3 кг га камайтиришга эришдим. Натижада, ишлаб чиқариш таннархи арзонлашди.

Агар кранштейн детали шу услубда тайёрланса, бир йилда заводда 1.5 млн. сум маблағ тежаллишига олиб келади.

...Ҳар икки институтнинг бакалавр ва магистр унвонига эга бўлиш поғонасида турган талабаларини олдинда катта манзиллар кутмоқда. Илм йулида изланиб яшаётган ёшларимизга муваффақият ёр бўлсин.

Мухаммаджон
ИСРОИЛОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Ta'kid

Қаердаки масъулиятни дилдан ҳис этиб, изланиш, ютуқлар сари интилиш бўлса, албатта, ўша жойда муваффақият, самара бўлади. Китоб туманидаги 65-мактаб ўқувчиларининг эришаётган галабалари замирида ҳам таълим масканидаги изланувчан, фидойи ўқитувчиларнинг ўз касбига меҳри, ташаббускорлик каби омиллар сабаб бўлаётган бўлса, ажабмас.

Шуниси эътиборлики, мактаб туманининг энг чекка, яъни, юртимизнинг Тожикистон давлати билан чегара қисмида жойлашган. Аммо таъкидлаш лозимки, мактабдаги ўқитувчи-мураббийларнинг ўқувчиларнинг билим сирларини чуқур эгаллашлари йўлидаги изланишлари, саъй-ҳаракатлари ҳеч қайси шаҳар ўқитувчиларидан қолишмайди.

— Ахир биз ўқитувчимиз, — дейди оддий қилиб мактаб директори Сайёра Боқиева. — Бу касб эса, энг аввало, фидойиликни талаб қилади. Де-

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

макки, муваффақият замири ҳам ана шунда.

Маълумки, ўқитувчи меҳнати ўқувчи ютуғида акс этади. Мазкур мактабда эса устозларнинг изланишларини кўз-кўз қилаётган ўқувчилар кўплаб топиладик, уларнинг турли кўрик-танлов ва фан олимпиадаларда эгаллаган ўринларидан нафақат мактаб, балки бутун туман аҳли фахрланиб келмоқда. Биргина мазкур якунланган ўқувчилар билimini аниқлашда муҳим ўрин тутадиган фан олимпиадаларидаги туман ва вилоят миқёсидаги баҳсларда мактаб ўқувчилари Уйғун Саидов, Ақром Зарипов, Олим Йўлдошевларнинг муваффақиятли иштироки, айниқса, 11-синф ўқувчиси Мухлис Асомовнинг география фанидан бўлиб ўтган билимлар беллашувининг якунловчи Республика босқичида учинчи ўринни эгаллаб қайтиши қувонарли ҳол.

Изланиш ва самара — эгизак тушунча. Уларнинг бири иккинчисисиз вужудга келмайди. Зеро, қаердаки мақсадлар самараси бўй кўрсатса, ютуқлар қўлга киритилса, албатта, ўша ерда изланиш бор.

Ф.ХОЖИЕВ

Mulohaza

Олий ўқув юртларига кириш учун физика фанидан тест синовлари бошқа фанлар сингари 36 та саволдан иборат бўлиб, барча бўлимларни қамраб олган. Бу эса физика фанининг барча бўлимлари абитуриентлар томонидан янада чуқурроқ ўрганилишини талаб этмоқда.

2001 йилда физика фанидан ўтказилган тест синовларида жавоблар самардорлиги 28,89 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич бошқа фанлар билан солиштирилганда, анча пастдир.

Бундай ҳолни, физика фанининг қийинроқ бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Физикани ўрганиш ўқувчидан нафақат ўтилган материални ёддан билишни, балки чуқур муштақил мантиқий фикрлашни ҳам талаб қилади. Физикага доир савол ва масалаларни ечиш абитуриентдан табиат ҳодисаларининг туб моҳияти, физик тажрибалар ва улардан олинган натижалар, физик тушунчаларнинг қонуниятлари, физик катталиклар ва уларнинг турли тизимлардаги ўлчов бирликлари, улар орасидаги боғлиқликлар тўғрисида етарли билимга эга бўлишни талаб этади.

Вариантлардаги саволларнинг 34 таси 1- ва 2-даражали мураккабликда бўлиб, 2 та савол 3-даражали мураккабликдадир, яъни бундай саволлар бор-йўғи 5 фоизни ташкил этади.

Биринчи даражали саволлар шундай характердаки, уларга берилган жавоблар физика дарсликларидан тайёр ҳолда берилган ёки битта формула ёрдамда оддий ҳисоблаш билан топилади. Бундай саволлар таркибига физик таърифлар, маълум физик ҳодисалар ва уларнинг графикалари, маълум экспериментал фактлар киради. Биринчи даражали саволлар вариантдаги саволларнинг 50 фоизини ташкил этади. Агар абитуриент 2-, 3-даражали саволларнинг бирортаси-

га ҳам жавоб бермай, фақат 1-даражали саволларга жавоб топганда ҳам натижа 50 фоиз бўлиши керак. Ҳолбуки, аниқ натижа 30 фоизга ҳам бормайди.

Физика ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиради, муштақил мантиқий тафаккурни ривожлантиради. У деярли барча мутахассисликларда қўлланиладиган фандир. Химия, биология, медицина, математика, техникага доир барча мутахассисликларда қишлоқ ҳўжалиги, санъат,

ликнинг ошишига олиб келмади.

1999-2001 йилларда олдинги йилларга нисбатан самардорликнинг бироз пасайишига олдинги йилларда чоп этилган "Ахборотнома"лардаги топшириқлар ҳисобида тест жамғармаси ҳамнинг кескин ортганлиги, вариантларга киритилганлиги, вариантларга киритилган тест топшириқларидан маълум қисмининг маълуми сақланган ҳолда ўзгартирилганлиги ўз таъсирини кўрсатди.

"Электр ва магнетизм" бўлимига тегишлидир. Ушбу бўлим бўйича самардорлик кўрсаткичи 27,6 фоизни ташкил қилди. Электромагнит тўлқинлар, электромагнит индукция ва ўзгармас ток қонунлари бўлимларига доир танланган масалаларнинг қийинлик даражаси юқори бўлмаса-да, бу бўлимлар бўйича абитуриентлар берган жавоблар самардорлиги ҳам анча паст.

"Нисбийлик назарияси" бўлими физиканинг ўқувчилар ўзлаш-

зардан ўқувчиларнинг ўз устидан ишлаши, кўшимча адабиётлардан фойдаланиш уларнинг фикрлаш қобилиятини оширади. Жумладан, ўқувчиларга чизма ва графиклардан фойдаланишни мукамал ўргатиш орқали ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин, чунки кўпчилик абитуриентлар механика бўлимида йўл, тезлик, тезланиш графикларини бир-бири билан чалкаштириб юбордилар.

"Атом ва ядро физикаси", "Электромагнит тўлқинлар", "Нисбийлик назарияси асослари" бўлимларига доир масалалар ечиш дарсликларда деярли ёритилмаган.

Айрим мактаб ўқувчиларининг шу бўлимлардан савияси пастлиги, кўргазмали қуроолларнинг камлиги, лаборатория ишлари ва физик амалиётнинг бажарилмаслиги, қолаверса, техника воситалари учун материалларнинг камлиги ҳам паст ўзлаштиришга олиб келмоқда. Бундан ташқари, шу каби бўлимларга дарсликларда кам соат ажратилган. Ўқитувчи ҳам шу бўлимлар бўйича етарли билимга эга бўлмаганлиги учун соатнинг кўпроқ қисmini ўзи яхши биладиган томонларга буриб юборади. Бу бўлимлар физика фани тараққиётига жуда боғлиқ. Қолаверса, улар амалда қўлланилиши жиҳатидан катта аҳамият касб этишини ва уларнинг эволютив физика тармоқларини тасаввур қилиб бўлмаганини эътиборга олиб, бундан кейин тузилган физика фани дастурларида, қўлланиладиган шундай бўлимларга эътиборни кучайтириш лозим. Ўқитувчилар малакасini ошириш курсларида ҳам шундай бўлимлар бўйича тўлиқроқ тушунчалар бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шоҳдор АҲМЕДОВ,
ДТМнинг бош мутахассиси

Abiturient-2002

ТЕСТНИ ҚАНДАЙ
ЕЧИШ МУМКИН?

иктисодиёт — қўйинги барча-барча соҳаларда физик қонунлар, технологиялар, физик асбоб-ускуналар ва услублардан фойдаланилади.

Табиий савол туғилади. Агар техника олий ўқув юртларида физика биринчи даражали ўринга кўтарилса, у ҳолда муҳимлиги жиҳатдан физикадан кам бўлмаган математика иккинчи даражада бўлиб, ҳозирги физиканинг ҳолига тушиб қолмайми? Йўқ, чунки физикани ўрганиш албатта математикани ўрганиш билан бирга олиб борилади.

1999-2001 йилларда абитуриентларга берилган тест вариантларида мураккаблиги 1- ва 2-даражада бўлган топшириқларнинг салмоғи ошди. Лекин, шунга қарамастан, самардорлик 28,3-28,9 фоизни ташкил этди, яъни тест топшириқларининг соддалашиши ҳам самардор-

Натижаларни таҳлил қилишдан яна шу нарса маълум бўладики, ҳар йили физиканинг "Механика" бўлими бўйича самардорлик кўрсаткичи нисбатан юқорироқ. Бу бўлим барча дарсликларда ва синфдан ташқари фойдаланиладиган адабиётларда содда, тушунарли қилиб берилган ва мактаб курсларида ҳам бу бўлимга кенгроқ ўрин берилган. Бобларга доир жуда кўп масалалар ечими билан берилиб, таҳлил қилинган. Ўқувчилар ҳам бу бўлимни севиб ўқишади, чунки унда баён этилган воқеа-ҳодисалар кундалик турмушда кўп учрайди, уларни тасаввур қилиш осонроқ. "Механика" бўлимининг ичида энг юқори кўрсаткич динамика, гидро ва аэродинамика мавзуларига тўғри келади. Ўтган йилларда ҳам айни шундай кўрсаткичлар кузатилган.

Физикадаги энг паст кўрсат-

тириши анча оғир бўлган қисми ҳисобланади. Абитуриентлар ушбу бўлимга доир эълон қилинган тест топшириқларининг барчасини биринчи даражали мураккабликда бўлишига қарамастан, ўтган йилга нисбатан ҳам пастроқ натижа кўрсатишди. Бу шу йилнинг ўртача самардорлик кўрсаткичидан 2 фоиз камдир. "Нисбийлик назарияси" бўлимининг ўқувчиларга осонроқ етказиш учун механика бўлимидаги инерциал санақ тизимлари, Галилейнинг ҳаракат тўғрисидаги нисбийлик тушунчалари хусусида олган билимларнинг устуворлигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абитуриентларнинг юқорида қайд этилган соҳалар бўйича дарсликда берилган стандарт масалалар ва мантиқий мулоҳазалардан ташқари чикмаётганликларини ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи на-

Юртимизда кенг қўламда бунёд этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалдаги ифодаси, халқ таълими ислохотининг ижобий натижаларидандир.

Шундай янги таълим муассасалари қаторида ўтган йили ишга туширилган Зомин тиббиёт коллежи ҳам бугунги кунда туман кўркига айланган. Кейинги йилларда тиббиёт, санъат ва мада-



мотли ва тажрибали ўқитувчилар ёшларга сабоқ беришмоқда. Ўқитувчилар режа асосида доимий малака ошириш курсларига жўнатилапти. Бундан ташқари, коллежнинг ўзида ҳам ўқитувчиларнинг малакасini ошириш курслари ташкил этилган.

Зомин — вилоятнинг қишлоқлари кўп бўлган туманларидан бири. Айни пайтда туманда ўнта қишлоқ врачлик пункти, кўплаб шифокор амбулаториялари фаолият кўрсатмоқда. Уларда

КОЛЛЕЖНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР

ният, халқ таълими соҳаларига ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан эътибор кучайтирилиб, бу соҳа вакиллари учун ниҳоятда кўркам ва салобатли бинолар қурилмоқда. Зомин тиббиёт коллежининг биноси ҳам юксак дид билан безатилган меъморий кўриниши ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги боис кўпчиликни ўзига ром этади. Буни томи маълум мустақиллик иншооти деса арзийди.

"Муҳит — тафаккурни белгилайди", деган гап бор. Кошона бинода ўқиб, таълим-тарбия олган йигит-қизларнинг йўл-фикри, дунёқараши, билим савияси ҳам шунга яраша бўлади. Зомин тиббиёт коллежида таҳсил олаётган 350 нафар талабанинг билим-савияси ва интилишлари ана шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Айни кунда талабалар икки йўналиш — умумий амалиёт ҳамшираси ҳамда умумий амалиёт фельдшер иختисосликлари бўйича таҳсил олиб, касб ўрганмоқдалар.

Коллежда биология, химия, физика фанилари хоналари Жанубий Кореядан келтирилган ўқув-кўргазмалар қуроолар билан жиҳозланган. Компьютер хонаси, учта лингафон синфи ўқувчилар иштирокида. Касбий фанлар хоналарини жиҳозлаш эса соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув маркази томонидан тасдиқланган "Ҳамширалик иши амалиёт стандартлари" асосида ташкил этилган. Ўқувчиларнинг малакали билан, ҳамда ҳунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Узоқдан қатнаб ўқийдиган талабалар учун ётоқхона мавжуд. 240 ўринли мажлислар зали, қишқик спорт зали, очик стадион талабалар хизматида.

Таълим-тарбия ишларининг кутилган натижани бериши биринчи галда ўқитувчиларнинг малакаси ва таърибасига боғлиқ. Коллежда ёшларга замон талаби даражасида билим бера оладиган жамоа шаклланиши, десак муболаға бўлмайди. Айни кунда бу ерда 40 нафар олий маълум-

аҳолига намунали тиббиёт хизмати кўрсатиш учун ҳамширалар етишмаслигини очик эътироф этиш лозим. Бизнинг мақсадимиз, аввало, туманимиздаги ана шу тиббиёт шохобчаларини етарли даражада малакали ҳамшира — кадрлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Тажрибали ўқитувчилар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари таълим-тарбияни янада юқори савияга кўтаришга хизмат қилади. Бу ерда таҳсил олаётган йигит-қизлар келгусида ўзлари эгаллаган касблари орқали халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил. Келгусида таълим муассасасида талабалар ўрнини минг нафарга етказиш режалаштирилган. Бу илм даргоҳида меҳнат қилаётган педагогик жамоа зиммасига янада улкан вазифа ва масъулият юклайди.

Ўрозбой УБАЙДУЛЛАЕВ,
Зомин тиббиёт коллежи директори

АЁЛИНИ
АРДОҚЛАГАН ЭЛ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфатларини ҳимоя қилиш, маънан ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижтимоий қурилишдаги хотин-қизларнинг ролини ошириш тўғрисида"ги Президентимиз фармони қабул қилинган эди.

Агар мозийга бир назар ташласак, момоларимиз орасидаги Сароймулкхонимдек оқила, маслаҳаттўй сиёсатдонлар, Ноҳирабегимдек адиб ва давлат арбоблари, Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Жаҳон отин Увайсий, Самарбону, Нозумахоним, Зулфия, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Сора Эшонтўраева, Халима Носирова каби буюк адабиёт ва санъат намояндalари, Хадича Сулаймонова, Раҳима Аминова, Сабоҳат Азимжонова, Мазлума Асқарова, Хатима Шайхова, Мамлакат Восилова, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Дилором Шарипова каби юзлаб заҳматкаш олимларнинг етишиб чиққанлигини кўраимиз.

Бугунги кунда ҳам ўзбек аёллари илм-фан, иқтисодий-сиёсий соҳаларда ҳам бир қадар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

90-йиллар бошида мамлакатимиз сиёсий саҳнасида аёллар орасидан давлат арбоблари — 16 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда — 24 фоизга етди.

Бир қўлида бешик, бир қўлида дунёни тебратётган оlima аёлларнинг турли илм соҳаларида ўз билимларини кенгайтириб, мамлакатимиз тараққиётини тезлаштиришга фаол ҳисса қўшишяпти.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда республика аҳолисининг 52 фоизга яқини хотин-қизлардан иборат бўлиб, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими, халқ таълимида уларнинг фаолияти таҳсинга лойиқ.

Илмий ходимларнинг 38 фоизга яқини хотин-қизлардан иборат бўлиб, жумладан, фан докторларининг 12 фоизи, фан номзодларининг 26,5 фоизи хотин-қизларга тўғри келади. Мамлакатимиздаги 2 нафар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси, 9 нафар Фанлар Академияси муҳбир аъзоси аёллардир. 50 дан зиёд нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимларида аёллар фаолият кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, статистик маълумотларга қараганда, Хоразм вилояти аҳолиси 1 млн. 368 мингдан зиёдроқни ташкил қилган бўлса, шундан хотин қизлар 51 фоиз яъни, 698 мингга яқинини ташкил қилади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 140,3 минг нафари хотин қизлардир. Хусусан, Хива Маълум Академиясида, Урганч Давлат университети, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва 20 га яқин коллежларда 60 га яқин фан номзодларидан ташқари кўпгина тадқиқотчилар ҳам бор.

М.ИСКАНДАРОВА,
1-ТошДавТИ Урганч филиали ўқитувчиси

Ta'kid

Ўзбек халқи маънавий маданияти шаклланиш жараёнида илк ислом қадриятларининг ва юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг тутган ўрни беқиёс саналади.

Маълумки, ўз даврида Марказий Осиё мутафаккирларининг аксарияти араб тилида ижод қилганларига қарамай, ўз халқининг вакиллари сифатида унинг тарихи, маданияти, урф-одатларини хурмат қилганлар ҳамда уни ривожлантиришга ва янада бойитишга ҳаракат қилганлар. Бунинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиёда IX-XII асрларда ғоят ривожланган табиий-илмий билимлар ва ижтимоий-фалсафий фикрлар вужудга келган. Бунинг таъсирида эса ўрта асрларда яшаб ижод этган олим ва мутафаккирлар ижодида ҳурфикрлик ғоялари кенг илдириди.

Илк ислом мусулмонларга реал оламдан, Ер юзидан ҳаётдан, урф-одатдан юз ўгириб, мутаассибларча ҳаёт кечиришни асло буюрмаган. Ҳадисларда таълим берилишича, Оллоҳни таниш учун киши ҳам ақлли, ҳам билимли, ҳам маърифатли бўлиши шарт. Унинг комил инсон, фозил, мўмин бўлиши учун дунёвий би-

лим, худди шундай ахлоқ қанчалик зарур бўлса, унинг маънавий маданият жиҳатидан бой, ахлоқий томондан ҳалол, пок, баркамол бўлиши диний таълимот ва ахлоқ учун ҳам шунчалик зарурдир.

Илм ва илм аҳлига бўлган илиқ ва

ланиб, бу амалга мажбурийлик мақоми берилган.

Ҳадисларда илм, маърифатни фақат оғиздагина қабул қилмасдан уларга амал қилиш шарт эканлиги ҳам уқтирилган. Бунинг исботи сифатида “Илмга амал ва риоя қилувчи бўлин-

Talqin

ларида ўзига хос дастур бўлган. Масалан, Навоий “Маҳбуб-ул-қуллуб”да ғоят ўринли равишда баҳил олимни ёғинсиз булутга ўхшатиб шундай дейди: “Унда на соя бору, на ҳаён (фойда) йўқ”. Ҳазрат ўз фикрини давом эттириб яна шундай дейди: “Эй донишманд, илм истоғчи сендан илм талаб қилса, сен уни бу мақсаддан маҳрум қилмагин, сенинг илмингдан у истефода қилмоқчи экан, монелик қилмагин, бахиллик йўлини тутмагин”. Навоий “Арбаин ҳадис”, яъни “Қирқ ҳадис” асаридан илм-маърифатга бўлган даъватларини теран, фалсафий тарзда шарҳлаган, уларга дунёвий талқин берган, ўз шеъриятида тараннум этган. Бу қирқ ҳадисга берилган шеърий шарҳлар орасида илму маърифатга бевосита тааллуқли бўлган тўртликлар анчагина бор. Ҳазрат Навоий ёш илм толиблари — йигитларга мурожаат этиб: “Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдир” деган ажойиб ҳикматни айтаиб ўтади.

Хулоса шуки, юқорида қисмангина келтирилган ҳадислар ва уларнинг акс-садоси сифатидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Абдухамид АБДУАХАД ўғли

ИСЛОМДА ИЛМ ТАРҒИБОТИ

самимий муносабат Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаётида жуда катта инсоний фазилат ва неъмат саналган. Бу ҳолнинг ҳадисларда зикр этилганлиги эса нафақат илм ва олимларнинг, балки уларга қаратиладиган муносабатларнинг ахлоқий аҳамиятини анча кучайтирган.

Ҳадисларнинг ҳар бир ривояти моҳиятан суннат, яъни бажариш-бажармаслик ихтиёрий ҳисобланади. Шунга қарамай илм олиш фарз ҳисоб-

лар; уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманлар” деган ҳадисни келтириш мумкин.

Ҳадисларда илм ва касб-хунар, олимлик ва донишмандлик, маънавият ва маърифат каби улуғ фазилатлар тўғрисида олға сурилган ғоялар ўз вақтида Ўрта Осиё мутафаккирлари — Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Машраб каби алломаларга ҳам катта таъсир қилган. Уларнинг илмий ижодлари ва амалий иш-

ДАЛВАРЗИНТЕПА СИРЛАРИ

Биз шу даврга қадар Миср, Юнон, Римда бўлган тарихий воқеаларга асосланиб, улар яратган бунёдкорлик инсоният тараққийотининг ҳақиқий негизи деб фикр юритамиз. Ваҳоланки, Далварзинтепада олиб борилган кўп йиллик археологик қазималар шуни кўрсатиб турибдики, бу ҳудудда эраимиздан олдин яшаган аждодларимизнинг маънавий, ижтимоий ҳаёти юксак бўлган.

Маълумки, эраимиздан аввалги 329 йили Искандар Зулқарнайн қўшинлари Бақтрия давлатини босиб олди. Жаҳонгир вафотидан кейин бу давлат славкийлар тасарруфига ўтди. Эраимиздан олдинги III аср охирида Диодат исми саркарда ҳокимиятни қўлга олди ва Бақтрия-Юнон давлатини ташкил қилди. Аммо II асрга келиб, у марказий Туркистон ҳудудидаги бир қанча майда қабилалар иттифоқи зарбасига учрайди. Булар орасида Гелт Туй Шьян бошлиқ қабилла устун келиб, барча тарқоқ қабилаларни ўзаро бирлаштириб, Кушон давлатига асос солди. Бу подшолик Ҳиндистонга бостириб кириб у ерларда қолган юнон қўшинлари қолдиқларини ҳам яқсон қилди. Натижада ўша даврдаги энг йирик давлат — Кушон империяси барпо этилди. Буюк империянинг сарҳадлари жанубда Ҳиндистон, шарқда Чин (Хитой), ғарбда Парфия (ҳозирги Эрон ва Туркистон) давлатларига бориб тақалган. Кишилик жамиятининг энг катта асосий савдо йўли ҳисобланган Буюк ипак йўли Хитойдан бошланиб, Кушон империяси ерлари орқали Римгача борган.

Сурхон водийсида жойлашган Далварзинтепа Кушон империясининг пойтахти бўлган. Унда олиб борилган кўп йиллик археологик қазималар натижасида топилган турли санъат

асарлари ва бошқа кўплаб уй-анжом буюмлари, нодир археологик ёдгорликлар Кушон империясининг юксак тараққий қилганидан далолат беради. Ушбу водийда яшаган ота-боболаримиз томонидан лойдан ва оҳақтошдан чиройли шаклдаги бир-биридан ўта нафис ишланган турли буюмлар пишқ, кўриниши эса ҳар қандай одамни лол қолдириб, ҳайратга солади. Кулолчилик санъати жуда ҳам ривожланган. Улар лойдан ясалган буюмларини махсус хумдонларда тоблаганлар. Тоблаш усулини мукамал билганликлари туфайли 2100 йил ер остидан қолиб кетган ва қазиб олинган айрим буюмлар майдаланмай, бутун ҳолича сақланиб қолган. Шаҳарлар оддий паҳсадан ёки гиштдан қурилган. Лекин бу қурилиш материаллари ғоят пишқлиги, мустаҳкамлиги натижасида табиий таъсирларга қарамасдан, шу кунгача яхши сақланган. Ваҳоланки, ўша даврда Юнон ва Римликлар шаҳарларни тошдан қурганлар.

Кушонликлар мис ва бошқа металлларга одам тасвирини аниқ тушириб, зарб қилиш усулини ҳам энг қадимдан билишган. Эраимиздан олдинги II — I асрларда зарб қилинган тангаларга туширилган ҳукмдор тасвирининг аниқлиги ҳанузгача кишини ҳайратга солади. Мисдан ясалган буюмларни 2-3 микрон қалинлигида олтин суви билан қоплашни билганлар. Ваҳоланки, европаликлар XIX аср бошларида гольваника ихтиро қилингандан кейингина бу усулни ўргандилар. Қазилмалар пайтида аниқланган иморатларнинг жуда нодир тарх усули билан нақшланган ёғоч қолдиқлари ҳамда тахталарда от чоптириб кетаётган сарбоз тасвири топилди. Қарангки, ҳудудимизда антик даврга ман-

суб дунёвий мазмундаги Будда тасвири туширилган санъат дурдонаси ҳам мавжуд экан. Далварзинтепа шаҳрида классик, антик шаҳарларга оид тафсилотларнинг барчаси жамулжамдир. Соф олтиндан ясалган 115 дона умумий оғирлиги 36 килограммга тенг турли кўринишдаги буюмлар, тақинчоқлар, билагузуклар, сирғаларнинг жуда ҳам нафис, нозик, юқори савияли дид билан ишланганлигини кўриб, бундай ўта ноёб дурдоналарни яратган санъат усталарига беихтиёр офарин дейсиз.

Бундан ташқари, ушбу олтин буюмлар топилган жойдан фил

Teran tomirlar

суягидан чиройли қилиб ясалган иккита шахмат донаси ҳам чиқди. Аксарият олимлар Ҳиндистонни шахмат ватани дейишади. Ҳолбуки, бу топилма шахмат VI асрда эмас, балки эраимизнинг биринчи асридаёқ Сурхон воҳасида борлигини тасдиқлайди ва ақл машини йўнининг ёшини яна беш асрга оширади. Бу ашёвий далиллар жаҳон қадимшунос олимларини шу вақтга қадар ҳам қизиқтириб келаётди.

Дунё тарихчиларининг фикрича, Далварзинтепадан топилган бу ноёб антик асарлар Буюк Британия музейининг фахри ҳисобланган машҳур Амударё бойлигидан ҳам юқоридир.

Далварзинтепадан топилган антик буюмлар япон олимларини жуда қизиқтирмақда. Чунки улар тарих, археология, будда динининг Японияга ўтиш даври ҳамда Буюк ипак йўлининг улар ерига қай йўсинда етиб борганликларини исботлашга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, Буюк ипак йўли Японияга денгиз орқали ўтган. Бундай хуло-

сага келишининг сабабини исботлаш учун 1988 йили Ироқда қадимий кемага айнан ўхшаш кема ясаб, сувга тушириб, кунчиқар оролларига сузиб боришган. Шундан сўнг Буюк ипак йўли тўртта бўлган деган фикрга келишган. Биринчиси — Пекиндан чиқиб, Мўғулистон, жанубий Сибирь ва Қозоғистон орқали Астраханга бориб, денгиз орқали Римга ўтган. Иккинчиси — Хитойдан Туркистонга келиб, Чоч (Тошкент), Мароқанд (Самарқанд) орқали Афғонистон ва Эронга ўтган. Учинчиси — Шарқий Туркистон (Хитойнинг Шин-Чон вилояти)нинг жанубидан бошланиб, Тибет, Ҳиндистон ва Покистон орқали Балхга келган. Балх эса, ипак йўлларининг катта тўхташ жойи саналган. Тўртинчиси — денгиз йўлидир.

1989 йили Япониянинг машҳур профессори Като Кусудзу бошчилигида уч нафар етакчи мутахассис олимлар Далварзинтепада 40 кун мобайнида қазимша ишларини олиб боришди. Натижада қутилган мақсадга эришилди. У ердан топилган ноёб антик асарлар синчиклаб ўрганилиб, зарур ва муҳим хулосалар чиқарилди. Ҳайратга соладиган томони шундаки, аждодларимиз тарихи эраимиздан аввалги асрларга бориб тақалиши ўз исботини топди.

Профессор Катони кувонтирадиган ҳол шуки, у нафақат бизнинг қадимий ўтмишимизни, балки япон халқи маънавияти илдиларини топган эди. 1991 йили Японияда “Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги ёдгорликлари” деб номланган илмий мажмуа чоп этилди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган ҳамда ҳар бир суратга керакли маълумотлар берилган кўп нусхали ушбу китоб барча қадимшунос, археолог, тарихчи олимларнинг диққатини тортди.

Бу асар орқали жаҳоннинг энг кўзга кўринган олимлари аждодларимиз ўтмишини ўрганиб, маънавий меросимизга юқори баҳо бермоқдалар.


Япон олимларининг бизнинг антик тарихимизни ўрганишлари яна бир асосий сабаб борки, у ҳақда ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу будда дини Японияга қандай ва қайси йўл орқали кириб борганлигини аниқлашдир. Далварзинтепада топилган турли будда ёдгорликлари кунчиқар мамлакатининг будда ёдгорликларига айнан ўхшашлиги уларни жуда қизиқтириб қўйди. Маълумки, бундай ёдгорликлар фақат буддизм тарқалган ҳудудлардагина учрайди. Бундан ташқари, у энг қадимий динлардан бири бўлиб, эраимиздан олдинги VI-V асрларда Ҳиндистондан бошланиб, Покистон, Афғонистонда кенг тарқалган (2001 йили Афғонистонда топилган энг қадимий будда ҳайкали толибонлар томонидан портлатиб юборилди) эди. Бундан шу нарса равшан бўладики, буддизм Афғонистон орқали бизнинг жанубий ҳудудларимизга ёйилган. Ҳатто Бухоро номининг ўзини ҳам ҳиндча “вихара” — ибодатхона сўзидан олинган дейишади. Сўнгра бу дин шарққа қараб кенгайиб, Тибет ва Хитой орқали Японияга VIII асрда кириб келган.

Ҳар бир халқ қачонки аввало ўз тарихий ўтмишидан яхши хабардор бўлгандагина, ўз кадр-қимматини англайди. Айниқса, биздек бой маданий ўтмишга эга бўлган халқ авлодлари учун бу муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, халқ тарихининг очилмай қолган қирраларини келажақ авлодларга бекамму кўст етказмоғимиз ҳам бурчимиз, ҳам фарзимиздир.

Илҳом ШЕРМУХАММАД

NAVOIYNING G'OYIBONA USTOZI

Nizomiy Ganjaviy Ozarbojjonning Ganja shahrida 1141 yilda tug'ilgan, 1209 yilda o'sha yerda vafot etgan. Buyuk shoir va mutafakkir bolaligida yaxshi o'qigan, ko'p ilmlarni puxta egallagan. Juda yosh chog'idanoq chiroyli she'rlar yoza boshlagan. Katta bo'lganida "Xamsa", ya'ni besh doston yozgan. Ular "Mahzanul asror" ("Sirlar xazinasi"), "Xusrav va Shirin",



"Layli va Majnun", "Haft paykar" ("Etti go'zal") va "Iskandarnoma" deb ataladi. Bular jahon she'riyati xazinasining eng nodir asarlaridan hisoblanadi. Bizning buyuk Alisher Navoiy bobomiz Nizomiyni o'zlariga g'oyibona ustoz deb bilganlar va o'zlari ham ustoz bilan musobaqalashib yangi "Xamsa" yaratganlar.

Miraziz A'ZAM

NIZOMIY GANJAVIY

O'G'LIM MUHAMMADGA NASIHAT

("Xusrav va Shirin" dostonidan)

Yetti yoshli bolam, ko'zimning nuri!
Tilimning yodgori, qalbim sururi!
Hayot berdi senga ul parvardigor,
Ustingda men emas, Olloh nomi bor.
Yangi chiqqan oyday davring bu, yayra,
O'yna, kul, chug'urla, bulbulday sayra,
Bu yoshda yarashmas odamzodga ham,
O'ynab yayraganman

bu yoshda men ham.

To'lin bo'lgay bir kun yangi chiqqan oy,
Nur sochgay qishloqqa sendagi chiroy.
Kasb olki, qo'lingga kirajak dunyo,
Samolarni o'qi, toparsan ma'no.
Ma'nosiz va quruq so'zdan qil hazar,
Ilohiy ilmlar umringni bezar.

Nomusli yashaki, havas qilsinlar:
"Balli, ey Nizomiy o'g'li!" desinlar.

FASLLAR TASVIRI

("Iskandarnoma" dan)


BAHOR

Ko'ngillar erigan bahor chog'ida
Aylanmak go'zaldir yellar bog'ida.
Gunafsha keltirar bahordan xabar,
Nargiz qo'llarida qoldirar fonar.
Qushlarning tomirda qonlari qaynab
Atrofni chahchahga to'ldirar sayrab.
Shamshod sarv ostida

tizilar yon-yon,

Xo'rozdek surohiy ichi to'la qon.
Cho'llarda o'yinga tushar jayronlar,
Jayron bolalari boshlar suronlar.
Gullar bazm qurar soylar bo'yincha,
Shirintil bulbullar sayrar to'yguncha.
Qushlarning tovushiyu gulning yellari
Uyushar eng yaqin do'stlar singari...

Tog'lar siynasini bezagan rayhon,
O'tlar yam-yashildir, gullar ol-alvon.
Chechaklar ochildi, gullar bo'y otdi,
Vodiyini marolning sasi uyg'otdi.
Quruq tikanlardan chiqdi tar gullar,
Qorishdi gunafsha mushk ila anbar.
Anbar olmoq uchun uyquli nargiz
Boshini ko'tardi yerdan chorasiz...



BUZURGUMIDNING "KALILA VA DIMNA" DAN CHIQARGAN HIKMATLI SO'ZLARI

1. Ish quruq orzudan chiqishi mahol,
Maymunning duradgor bo'lishi xayol.

2. Shoqol, bo'ri, qarg'a birgalik bilan
Xalos bo'loldilar kinli tuyadan.

3. Aqli odam-la yasha salomat,
Nodoning dorisi tarqatar illat.

4. Yoy tutgan bo'ridek bo'lma ko'p halak,
O'qqa tutar seni g'aflatan falak.

5. Buloqdan fillarni quvgan bir dovshan,
Kichik ko'rinmasin ko'zingga dushman.

6. Fikr yo'li bilan g'ordan chiq har on,
Necha bor mushukdan qutulgan sichqon.

7. Qo'lga zulm uchun kim qilich olar,
Qon to'kkan sher kabi panjasiz qolar.

8. Sen dushmandan qo'rqama, yaxshilik o'yla,
Ovchi qutulgandi ilondan bo'yla.



YOZ

To quyosh botguncha qizidi yerlar,
Issiqdan kabobga aylandi sherlar.
Tuproq hovri — hatto yuksak samoda,
Artdi u rutubat, zaxni havoda.
O'tlar urug'ini sochdi har yerga,
O'lim to'zi cho'kdi lolalikalarga.
Tog'laru cho'llarda bug'lar qaynashdi,
Bog'larda mevalar qand-shakar sochdi.
Bulbullar tog'larga ayladi safar,
Taraldi g'urbatda g'arib ohanglar.
Qizidi yoz kunin issiq nafasi,
Buta qushlarining uzildi sasi.
Chayon sanchig'ini ko'rmagan quyosh,
Bizga kelar ekan, bosib necha tosh.
Qo'lda mis tog'ora, kezib tunu kun,
O't sochardi Zangi, Chinda uzzu kun.
Cho'g'lardan kuygandek ho'kiz sag'rini,
Itlar halloslardi ochib jag'ini,
Toshlar ham erirdi topmayin omon,
O'tday bug' chiqarar edi yer hamon.

KUZ

Qishloqlarda esa to kech kuzgacha
Manzara o'zgacha, hayot o'zgacha:
Shomgacha ishqomlar ko'p tovlanadi.
Uzumlar rangorang olovlanadi.
Mevalar ko'payar, boyiydi bog'lar,
Viqorlanib ketar hatto tuproqlar.
Boshin egib pista kular serma'no,
Uni bir o'pgisi keladi xurmo.
La'l kabi yasanib toj kiygan anor
Uzoqdan chiroqdek o'tlanar-yonar.
Birov qaragandek, qizargan olma,
Turunj nozlanadi: "Qoch, meni olma!"
Anjir yegan qushlar o'g'ridek pinhon,
Shohga osilib alanglar har yon.
Bodom sevgan tuproq toj olmoq uchun
Shilar qobig'ini bodomning butun.
Shirin jilonjiyda turib har sahar
Findiq-yong'oq bilan sekin sirlashar.
Ularning do'stligin boshqa daraxtlar
Hamma daraxtlarga bir-bir daraklar.

Qorapopog uzum mamnun va shodon
O'rar barmog'iga sochini pinhon.
Qovoq bosib opti ishqomda tokni,
Behi ham bo'g'zidan olipti nokni.
Meva to'la savat, savat to'la yer,
Hosil yig'uvchining yuz-ko'zida ter...

QISH

Vaqt yetib, qish fasli kelishi bilan
Mayda yog'ish separ yerga bulutdan.
To'zdan xastalangan jahonga osmon,
Rahmi kelgan kabi, beradi darmon.
Falakning yog'ishi, zulmat tumani
Qutqarar istmadan butun dunyoni.
Yurak-bag'ri qaqqoq yer bo'lsa qayda
Muzlardan sovuq pay ulashar mayda.
Holsiz edi meva, gul bergan tuproq.
Endi qanday rohat qor so'rib yotmoq!

INSONLARNING ISHIGA VA RIZOI-RO'ZIGA QO'L UZATMASLIK

("Layli va Majnun" dan)

Qismating ne bo'lsa, undan rozi bo'l,
O'zganing haqqiga uzatmagin qo'l.
Ko'rpangga bir qarab, so'ng oyoq uzat,
Bo'lmasa badbaxtlik aylar xijolat.
Qush ko'zlasa behad baland ko'k yuzin,
Ofat changalida ko'rajak o'zin.
Bir tekis yurmasa yo'lida ilon,
O'ziga o'ralib qolar begumon.
Qurol yig'ish bilan cheklangan ahmoq
Bir kuni qozongay albat shapaloq.
Arslon bilan jangga kirishsa tulki,
Voy bo'lar holiga, bo'lajak kulgi.

OZ SO'ZLASHNING GO'ZALLIGI

So'zning ham suvday xush o'z oqimi bor,
Har so'zning oz bo'lsa o'z yoqimi bor.
Bir inju sofligi mavjuddir suvda,
Ortiqroq ichilsa dard berar suvda.
So'z injusin tanla, oz gapir, o'g'lon,
Oz so'zlaring bilan ko'rklansin jahon.
Oz so'zning injudek porlashi so'nmas,
Ko'p so'zning qumtoshdek qiymati bo'lmas.
Asli toza bo'lgan chinakam inju
Tuproqqa va suvga ulashar yog'du.
Bo'lsa-da zar ila to'la xazina,
Kichkina bitta dur unga kuch yana.
Qalbni eritishda bir xirmon o'tin
Qilolmas bir dasta gulning xizmatin.
Osmon to'la yulduz chaqqoq va sirlil,
Ammo bosh egishga quyosh arzirlil,
Ko'kda porlasa ham minglarcha yulduz
Quyoshdir yer yuzin yoritgan yolg'iz.

Ozarbojjonchadan Miraziz A'ZAM tarjimai.

МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР
ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Taklif va mulohaza

Олий ўқув даргоҳига ўқишга кирган ҳар бир талаба илк курсдан оқ кўп қиррали фаолиятга киришади, яъни мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллайди, ўқув жараёнининг янги шакли ва ритмларини ўзлаштирилади, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий фанлар бўйича умумий билимларни олади. Қуйи курс талабалари ўқув жараёни ва мустақил ишлаш кўникмалари таҳлили шундан кўрсатадики, уларнинг аксарияти олий таълим муассасаси ўқув иш услубларини секин ўзлаштирадидилар, ўз вақтларидан унумли ва самарали фойдалана билмайдилар, мунтазам

келгусидаги тараққиёти ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича етарли ахборотлар бериш лозим. Ушбу маълумотлар талабаларга танлаган йўналиши бўйича тўлиқроқ тушунчага эга бўлиши ва уларга танлови қанчалик тўғри эканлиги хусусида тўлақонли фикрлаш имкониятини беради.

Ўқув жараёнини ташкил этишга бағишланган маърузаларда ўқув-услубий режалар, фанларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, машғулоти турлари, малакавий амалиёт, курс иши

ятига алоқадор телефильмларни намойиш этиш—талабаларнинг ўқув жараёнига тез мослашишига ёрдам беради.

Битирувчилар билан ўтказилган анкетавий маълумотлар натижалари шундан далолат берадики, оқим равишида мутахассисликни танлаб ўқишга кирган талабалар аъло кўрсаткичлар билан ўқишни якунлаганлар. Аксинча, талаба, ўқиш жараёнидан қониқиш ҳосил қилмасан, у биринчи курсдан сўнг ўз йўналишини ёндош бошқа йўналишга ўзгартириши мум-

Ташкил этишга бағишланган маърузаларда ўқув-услубий режалар, фанларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, машғулоти турлари, малакавий амалиёт, курс иши

ва машиналар эксплуатациясини, уни ишлатиш жараёнини айнан шу фан орқали ўрганади. Элимизнинг севган касбларидан бири — чеварлик сирлари ҳам “Касб маҳорати” машғулотида ўрганилади. “Информатика” фанидан кўшимча дарсларнинг ташкил этилиши, инновацион технологияларнинг ўргатилиши ҳам таълим жараёнини жонлантирмақда.

Битирувчи талабалари-

Milliy dastur — amalda

ри, сўнгра бунга оид билимларни ўқувчиларга етарли даражада бера олиш маҳоратига эга бўлишлари лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда муҳандис-педагоглар ўқув режаларида умумқасбий ва ихтисослик фанлари соҳа муҳандислари билан деярли бир вақтда бир хил ҳажмда ўқитилиши кўрсатилган.

Тошкент Давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика институтининг кадрлар тайёрлашдаги тажрибаларини ўрганиб келдик ва бевосита татбиқ эта бошладик.

Умуммуҳандислик ва танлов фанлари ҳисобидан ўқув режасига педагогика-психология фанлари ҳам киритилган. Улар бўлажак педагоглар келгусидаги ҳаётга нафақат назарий томондан, балки амалий жиҳатдан ҳам тайёрлайди. Айниқса, бу борада “Касб маҳорати” фанининг ўрни бекиёсдир. Чунки бўлажак педагог усқуна

миз 23 нафар. Улар малакавий амалиётдан кейинги битирувчи педагогика амалиётини ўташмоқда. Яққасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўтаётган бундай амалиётлар кейинчалик бошқа вилоятлардаги касб-ҳунар коллежларида ҳам олиб борилиши мўлжалланмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари учун “Тўқимачилик технологияси ва материалшунослик” кафедрасида дарсликлар тайёрланяпти.

Айни кунларда талабалар ўз малакавий битирув ишларини ҳимояга тайёрлаш билан банд. Шубҳасиз, дипломлари қўлига теккач, факультетимизнинг илк битирувчилари белгиланган касб-ҳунар коллежларида ўз иш фаолиятларини бошлашади.

Қ.ҒОҒУРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти муҳандислик-педагогика факультети декани, доцент

ТАНЛАГАН МУТАХАССИСЛИГИНИГГИЗДАН
КУНГИНИГГИЗ ТУЛАДИМИ?

ўз устида шуғулланмайдилар, бунинг сабаби эса танлаган мутахассислик ва келгуси фаолият тўғрисида етарли тушунчага эга бўлмайдилар.

Биринчи курс талабалари билан ишланган самарадорлигини ошириш мақсадида бакалавр йўналишлари ўқув режаларининг илк семестрига “Мутахассисликка кириш” фанини киритиш лозим. Бу фаннинг асосий мақсади талабаларнинг олий таълим муҳитига тезроқ мослашишига кўмаклашиш ва мутахассислик тўғрисида тушунча беришдан иборат. Фаннинг биринчи маърузасини “Олий таълим олдига қўйилган вазифалар, мутахассисларнинг халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда тутган ўрни” тўғрисидаги маълумотларга бағишлаган маъқул. Шунингдек, маърузаларда мутахассислик тўғрисида, унинг объекти ва иш жараёнлари, қўлланиладиган асбоб-усқуналар, маҳсулотлар тавсифи, мутахассисликнинг

лоийҳалари, давлат аттестациялари, билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими, битирув ишлари тўғрисида маълумотлар билан талабалар батафсил танишадилар. Ушбу фаннинг ўқув дастурига қуйидаги мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқдир:

— олий таълим муассасасининг тузилиши;

— талабалар ҳуқуқлари ҳамда вазифалари, уларнинг турмуши ва дам олишни ташкиллаштириш;

— кутубхона билан ишлаш ва библиография асослари;

— талабанинг илмий-тадқиқот ишлари; турли йўналишлардаги тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти.

Амалий машғулотларда ўқув юрти лабораториялари ҳамда кутубхонада илмий-бадиий адабиётлар билан танишиш мақсадида систематик кўрсаткичлардан фойдаланиш йўл-йўриқларини бериш, институт фаоли-

кин. Шу сабабли бир соҳада ёндош йўналишлар ўқув режасининг биринчи ва иккинчи блокларида деярли бир хил тузилган.

Юқорида баён этилганларга ҳулоса сифатида шундан айтиш мумкинки, талабаларнинг ўз танлаган мутахассислиги бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун малакавий амалиётнинг таркибига кирувчи ўқув (танишув) амалиётини биринчи курсдан кейин ўтказиш лозим. Баъзи ўқув режаларида “Мутахассисликка кириш” фани ва биринчи малакавий (ўқув-танишув) амалиёти иккинчи, ҳатто учинчи курсда ўтирилиши кўрсатилган. Бундай ҳолат талабаларни олий ўқув юртида самарали билим олиши учун тўсиқ бўлмоқда, назаримда. Шу сабабли, бу дастурга ўқув амалиёт ишларини илк босқичдан оқималга ошириш ижобий натижа беради, албатта.

Т.ҚОДИРОВ

Республикамизда банк тизимининг ривожланиши халқаро молия ташкилотлари хизматларидан тўлақонли тарзда фойдаланишга бевосита боғлиқ. Айниқса, халқаро банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатиш, валюталарни сотиш ва сотиб олиш, кредит линияларини ўзлаштириш хизматларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бу борада мустақиллик йилларида катта ишлар қилинди. Шунга қарамасдан халқаро банк тизимида интеграциялашув борасида муаммолар мавжуд. Жумладан, республикамиз ва барча ҳамдўстлик мамлакатлари амалиётида битим сифатида етакчи хорижий валюталар — АҚШ доллари, евро ҳамда Япония иенасидан фойдаланилаётганлиги тижорат банклари ва корхоналарнинг жорий операциялар кўламини сезиларли тарзда жиловлашга хизмат қилмоқда.

Охириги йилларда халқаро молия бозорларида бажариладиган амалларда АҚШ долларининг улуши тобора пасаймоқда. Масалан, 60-йилларда унинг улуши 80 фоизни ташкил қилган бўлса, 80-йилларга келиб — 68 фоиз, 90-йилларда эса — 60 фоизга тушиб қолди. Ушбу бозорларда қолган валюталар улуши қуйидагича. Немис маркаларида -14 фоиз, Япония иеналарида -6 фоиз, Швейцария франкларида -6 фоиз, ЭКЮ -3 фоиз, Франция франклари -1 фоиз ва бошқа валюталарда амаллар бажарилмоқда. 1999 йилдан бошлаб ЭКЮ ўрнига киритилган евро халқаро амаллардан Европо валюта иттифоқи га аъзо бўлган мамлакатларнинг мил-

лий валюталарини сиқиб чиқармоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон тижорат банклари халқаро молия ташкилотлари билан бир томонлама, яъни ўзларининг очилган вакиллик ҳисоб варақаларига эгадирлар. Халқаро банкларнинг вакиллик ҳисоб варақалари (“Ностро” ҳисоб варақалари) эса Ўзбекистон банкларида мавжуд эмас. Бунинг натижасида импорт бўйича тўловлар-

зарар кўриш эҳтимоли кўпайишига олиб келади. Фараз қилайлик, банк иш кунининг охирида 1 000 000 АҚШ долларида валюта захирасини ташкил қилди. Кейинги банк кунни очилишига, захира ташкил қилинган вақтдаги АҚШ долларининг курси ЕВРО га нисбатан 4 пунктга камайса (1,1074 дан 1,1070 га), банк бир кечанинг ўзида 400 ЕВРО йўқотади. Агар захира фақат АҚШ дол-

захираларини диверсификация қилишни ошириш керак. Бунинг учун АҚШ доллари, ЕВРО, Швейцария франки ва Япония иенасида захираларни миқдор жиҳатидан нисбатан тенг ташкил этишни йўлга қўйиш лозим.

Шунингдек, банклар нафақат сўмдаги, балки хорижий валютадаги пластик карточкалар бўйича хизматлар кўрсатишларини кенгайтириш мақсадида мувофиқдир. Чунки республикамизда ҳозирги кунда, ТИФ Миллий банк, Ўз ДЭУ банк, Ўз АБН Амро банкларига дунёдаги машҳур бўлган Master Card, EuroPay, Tomas Kook, Amerikan Express каби пластик карточкалар бўйича халқаро тўлов тизими га аъзодирлар.

Тижорат банкларнинг ушбу тўлов тизимларга қўшилиши интеграция борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолади. Шу билан бирга, юқорида келтирилган банклар пластик карточкалар бозорига кўрсатиладиган хизмат турлари бўйича рақобатбардошлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг халқаро молия тизими га интеграциялашуви улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади, мижозларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли тарзда қондириш имконини юзага келтиради.

Ҳамидулла ИГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

ХАЛҚАРО БАНК ТИЗИМИДА
ИНТЕГРАЦИЯ МУАММОЛАРИ

ни амалга ошириш, хизматлар ҳақини тўлаш, хорижий банклар ва корхоналарга фоизлар ва дивидендлар тўлаш бевосита “Ностро” вакиллик ҳисоб варақасини дебтерлаш асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатидан “Ностро”нинг ишчи қолдигининг кескин тебранишига олиб келади. Республика миз банклари хорижий валюта захираларининг сезиларли қисми АҚШ долларларида шаклланган. Бу эса, банкларда бир томонлама қисқа ёки узун валюта позицияларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида АҚШ долларларида катта захирага эга бўлган банкларда доллар курси тебранганда

ларида эмас, балки бошқа валюталарда ҳам ташкил қилинганда ушбу йўқотиш бўлмасди, фойда олиш ҳам мумкин бўлар эди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш Ўзбекистон банкларини халқаро банк тизими га интеграциялашув жараёнини муваффақиятли тарзда амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун эса тижорат банкларининг жорий валюта операцияларини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиш лозим.

Банкнинг таваккалчилиги натижасида йўқотишлар даражасини пасайтириш мақсадида хорижий валютадаги

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларини рекламасиз тасаввур қилиш қийин. Аслида реклама Шарқ бозорларида қадимдан мавжуд бўлиб, одамлар ўз товарларини жар солиб мақтаганлар ва харидорни чорлаганлар. Демак, реклама (лотинча "қиқирмоқ", "жар солмоқ") бу бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнинг бирор турини оммалаштириш мақсадида қилинган ишдир. Шу мақсадда реклама ўша корхона ёки ижтимоий фаолиятнинг бирор-бир маҳсулотни ёки хизмат турига кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этади. Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитида харидорлар оқимини бошқара олиш имконини беради. У узок йиллар давомида вужудга келган маҳсулотни харидорга етказиб беришнинг синовдан ўтган усулларини қўллайд.

Маҳсулотнинг харидорга етиб бориши ҳар гал ҳам автоматик равишда амалга ошмайди. Фақат маҳсулот тақчиллиги шароитидагина бозор тўғри келган маҳсулотни "ютиб" юбориши мумкин. Бундай ҳолда бозор талабини вужудга келтирувчи сифат, баҳо, мавсимийлик каби маҳсулотнинг муҳим омилларини ҳисобга олмайди. Шуни таъкидлаш зарурки, маҳсулот тақчиллиги пайтида уларга ва хизмат турларига бўлган талаб қондирилмай қолаверади. Ривожланаётган бозор шароитида эса кўпгина маҳсулотлар, уларни харидорлар сотиб олиши учун маълум фаол тижорат тарғиботи тайёргарлигидан ўтиши керак. Шундай шароитларда реклама муҳим роль ўйнайди.

Рекламанинг асосий вазифаси — маҳсулотлардан фойдаланиб маҳсулот, хизмат турлари ва уларнинг харид қилиниши жойи ҳақида ахборот беришдир, лекин рекламанинг вазифаси фақат бу билан чегараланиб қолмайди, унинг ўзига хослиги шундаки, реклама ахборотни тарғибот ва ташвиқот билан бирга олиб боради.

Реклама фаолиятининг ахборот

кўлами: умуман ва алоҳида маҳсулотга бўлган талаб ҳақидаги маълумотлардан (миқдор, структура, шаклланиш хусусиятларидан), умумий иқтисодий ахборотлардан, ишлаб чиқариш ва истеъмол тўғрисидаги, савдо конъюктурасидаги ўзгаришлар ва савдо хизмат кўрсаткичининг жойи ҳақидаги хабардан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий товарлар билан бир қаторда номоддий воситалар, жумладан, ахборотлар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг объекти сифатида даромад манбаи ҳисобланади. Ахборот хусусиятига эга бўлган турли-туман

вузлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилаш, маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол хусусиятларини тарғиб қилиш, тадбиркорликка оид ноаниқ ва ёлгон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ва бошқалардан иборат.

Албатта, бозор иқтисоди шароитида реклама ҳам солиққа тортилади. Ҳўш, реклама солиғи ҳамма учун тушунарлими, унинг ҳуқуқий асослари бугунги кун талабларига жавоб берадими? Кенг халқ оммаси реклама солиғининг моҳиятини тўла тушунадими?

Назаримизда, солиқ қонунлари ва йўриқномаларини яратиш жараёни-

да, республикамизнинг жаҳон тараққиёти сари ривожланиши даврида, барча соҳадаги муносабатларимизни унинг андозаларига мослаштириш зарурияти тўғрисида.

Бу ва шунга ўхшаш бир неча сабаблар эътиборга олиниб, ўз номи ва моҳиятига мос бўлган маҳаллий солиқни ташкил этиш борасида бир қатор ижобий силжишлар ҳамда мазкур фаолиятни ҳаётга татбиқ этиш йўлида бир қатор молиявий, ташкилий тадбирлар амалга оширилади.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджет даромадлари манбаи сифатида реклама солиғидан фойдаланилмоқда,

Iqtisodiy ta'lim

нинг тадбиркорлик фаолияти истиқболли ривожланишида реклама фаолияти муҳим роль ўйнайди. Маълумки, ҳозирги шароитда реклама солиғи механизми ва ундаги солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ суммасини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиблари жорий этилиши, фақат бюджет манфаатларида эмас, балки фаолиятдаги шахсларни реклама орқали маҳсулот ва хизматлари реализациясини ошириш имкониятларини келтириб чиқаради.

Реклама солиғи маҳаллий бюджетга маҳсулот эгалари аризасига биноан маҳсулот рекламасини амалга оширувчи реклама агентлиги томонидан ўтказилади. Реклама солиғи реклама хизматлари қиймати ва ўрнатилган солиқ ставкасида келиб чиқиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари бир-бирдан фарқ қилса-да, лекин улар учун умумий тенденциялар ҳам характерлидир. Ана шундай умумий тенденциялардан бири маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқлар ролининг ошишидир. Маҳаллий солиқлар орасида реклама солиғи ҳам салмоқли ўринни эгалламоқда. Солиққа тортиш мақсади учун ўрнатилган меъёрдаги таннархда реклама харажатларини ҳисоблаш бўйича ҳозиргача бундай кўрсаткичларнинг қўлланилиши жиҳатдан мунозаралар мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар томонидан эътирозлар юзага келарди. Айниқса, бу нарса реклама билан бизнес қилувчи тадбиркорларда кўпроқ учрайди. Аммо реклама солиғи бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим улуш қўшмоқда ва уни янада такомиллаштириш кун тартибига қўйилмоқда.

Сирожддин ЛАФАСОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети магистранти

РЕКЛАМА ВА СОЛИҚ

мазмундаги маълумотлар фуқаролик ҳуқуқининг муомала муносабатлари тарзида ҳаракатда бўлади. Худди шундай хусусиятларга эга бўлган ахборотлар йиғиндиси — реклама бугунги бозорнинг даромад келтирадиган соҳасига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги "Реклама тўғрисида"ги қонуни реклама билан боғлиқ фуқаролик-ҳўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Қонуннинг асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахслар ҳамда турли маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш, ахборотнинг эркин айланишини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик, истеъмолчилик маданиятини янада такомиллаштириш, шахсларнинг ишчанлик обрўсини ҳар хил таж-

да солиқ тўловчиларимиз билан бюджетлар ўртасидаги муносабатларга илоҳи борица катта аҳамият бериш лозимдир. Бундай мулоҳазани билдиришимиздан асосий сабаб шундаки, айрим ҳолатларда солиқ тўғрисидаги қонун ёки йўриқномага тегишли ўзгартиш ва қўшимча қилинганда солиқ тўловчиларимизда, уларни жорий этиш борасида бир қатор тушунмовчиликлар рўй беради. Бу ҳолат эса, улар бюджетлар билан бўладиган муносабатларга ўз таъсирини ўтказиши ёки солиқ тушумланининг ўз вақтида келиб тушишини кечиктириши мумкин.

Маҳаллий солиқ ҳозирги кунда янги тузилган ва солиқ тўловчиларимиз билан бюджетлар ўртасидаги муносабатлар доирасида муаммоларга эга асосий ташкилий масалалардан иборат.

Шундай бўлса-да, янги шароит-

амалий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, реклама солиғи маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан жорий этиладиган солиқлар қаторига кириди. Реклама солиғи 1994 йилдан жорий этилган бўлиб, давлат ҳокимияти идоралари даромадлари ўртасида сезиларли ўрин тутди.

Реклама солиғи юридик ва жисмоний шахслар томонидан реклама агентлиги воситасида тўланади, реклама агентлиги реклама хизмати кўрсатганлиги учун оладиган ҳақ устига реклама солиғи ҳам қўшиб олиши ва тегишли вилоят(шаҳар) бюджетларига ўтказиши лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда маҳаллий бюджетлар даромад манбаини таъминлашда реклама солиғини такомиллаштиришга эътибор қаратилаётти. Айниқса, ҳозирги кунда субъектлар-

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ ТИББИЁТ НАШРИЁТИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ИНСТИТУТ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар

1. О.Мавлонов. "Зоология", 6-7 синф 1385 сўм.
2. С.Тешабоева ва б. "Анорганик кимё", 7-синф 595 сўм.
3. С.Тешабоев и др. "Неорганическая химия", 7 класс 595 сўм.
4. Б. Аминов ва б. "Одам ва унинг саломатлиги", 8-синф 1030 сўм.

Олий ўқув юртлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари

1. М.Абдуллаҳжаева. "Одам патологияси асослари", 2-қисм 700 сўм.
2. К.Фаниев. "Сил касаллиги", 19 сўм.
3. С.Нажмиддинов. "Клиник гематология асослари", 227 сўм.
4. Ф.Турсунов ва б. "Сил" 386 сўм.
5. Д.Қодиров ва б. "Болалар физиологияси", 355 сўм.
6. Тўплам. "Болалар хирургияси", 3200 сўм
7. Р.Аҳмедов. "Клиникагача бўлган хирургия", 1600 сўм.
8. Х.Шодиев ва б. "Молия статистикаси", 1820 сўм.
9. Л.Бозорова ва б. "Инглиз тили", 3100 сўм.
10. А.Каттахўжаева ва б. "Акушерлик амалиёти", 2800 сўм.
11. А.Қодирова. "Ўзбекистон тиббиёт тарихи", 1300 сўм.
12. Б.Дусчанов ва б. "Умумий гигиена", 3000 сўм.
13. С.Қосимова. "Ум.биорганик кимёдан амалий машғулотлар", 2800 сўм.
14. Н.Мажидов ва б. "Профилактическая неврология", (2-ч 60. 3-ч 50с).
15. А.Аляви. "Лечения хрон. сердеч. недостат", 504 сўм.
16. Б.Сеттарова ва б. "Наследственная гемохроматоз", 311 сўм.

17. С.Шамсиев ва б. "Фармокотерапия в педиатрии", 310 сўм.
18. И.Сосин, М.Қориев. "Физиотерапия в хирургии, травматологии и нейрохирургии", 20 сўм.
19. Тўплам. "Физиологиядан амалий машғулотлар", 16 сўм.
20. Р.Султонов ва б. "Биохимиядан амалий машғулотлар учун қўлланма", 40 сўм.
21. Е.Абалмасова ва б. "Сколиоз" 25 сўм.
22. Р.Кадыров и др. "Хирург. леч. Перелом дистального отд. Бедренной кост.", 116 сўм.
23. А.Саидов и др. "Современная интенсивная терапия", 225 сўм.
24. А.Зоҳидий. "Ошқозон" (165 с), "Жигар" (127 с), "Буйрак" (62 с), "Юрак" (92 с). Умумий.
25. И.Мусабоев ва б. "Гепатит С", 1000 сўм.
26. И.Мусабоев. "Вирусный гепатит В, Д", 2800 сўм.
27. М.Дўстмуродов ва б. "Ортопедия аномалий развития. ниж.конечностей", 2500 сўм.
28. И.Мусабоев и др. "Искусство методы врачевания...", 708 сўм.
29. А.Шодмонов и др. "Лечебное питания", 1145 сўм.
30. Ф.Назирова и др. "Стандарты оказан. Мед.помощи", 800 сўм.
31. В.Михайлов. "Курс гематологии", 2000 сўм.


Маълумотномалар ва луғатлар

1. Г.Юмашев и др. "Справочник по ортопедии", 60 сўм.
2. Ц.Мазмаян. "Справочник основ. общ. диагн. бол.", 21 сўм.
3. Б.Бобомуродов ва б. "Англо-рус мед. словарь", 850 сўм.
4. Р.Собиров ва б. "Доривор ўсимликлар луғати", 30 сўм.


5. С.Бобохонов. "Справочник физиотерапевта", 550 сўм.
6. Р.Нурмухамедов и др. "Краткий справочник", 360 сўм.

Оила кутубхонаси учун

1. С.Анвар. "Қизиқчининг қилиғи ҳам қизик", 72 сўм.
2. Э.Усмонов. "Ёстикдек китобдан уч саҳифа", 72 сўм.
3. И.Зоиров. "Табассум бекати", 72 сўм.
4. А.Обрўй. "Бўйдоқ аскар", 295 сўм.
5. П.Кузионов, Б.Омон. "Последный трагический дуэль Пушкина", 139 сўм.
6. К.Насриддинов. "Камолот ва маънавият сабоқлари", 212 сўм.
7. Абу Али ибн Сино. "Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит", 125 сўм.
8. Тўплам. "Аёлларга ўғитлар", 290 сўм.
9. Тўплам. "Шарқона даволар", 100 сўм.
10. Тўплам. "Ёш оналарга шифокор маслаҳатлари", 450 сўм.
11. Ш.Хамраев ва б. "Ортопедиядан 50 саволга 50 жавоб", 145 сўм.
12. А.Зоҳидий. "Аллома аёл", 300 сўм.
13. Хожа Аҳмаджон Бобомурод. "Ҳаж йўриқлари", 175 сўм.
14. Б.Омон, А.Зоҳидий. "Умр дафтари", 500 сўм.
15. Р.Воҳидов. "Ишқ — маърифат қаноти", 550 сўм.
16. Тўплам. "Ўзбегим баҳодири", 1070 сўм.
17. Тўплам. "Ўзбек кураши доғруғи", 2500 сўм.
18. Ж.Бекназаров. "Она ва бола таянчи", 310 сўм.
19. Х.Ҳомидий ва б. "Авесто ва тиббиёт", 270 сўм.
20. Х.Дадаев. "Дорисиз даволаш усуллари", 280 сўм.
21. М.Қориев. "Ибн Синонинг болалиғи", 435 сўм.



Ҳисоб-китоб нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Мурожаат учун бизнинг манзил: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй, Телефон: 8-(372) 144-51-72, 144-27-62



Ҳар биримиз ҳурмат билан қарайдиган касб ўқитувчиликдир. Қадим-қадимдан халқимиз устоз деган зотни мўътабар бед билади. Ўз фарзандини устоз қўлига топширган киши, албатта шу сўзни айтар эди: "Эти сизники, суяги бизники".

Бу анъана ҳозирда ўзининг замонавий кўринишларига эга. Мамлакатимиз педагогика институтларида ҳар йили минглаб ўқитувчилар тайёрланиб, таълим муассасаларига юборилмоқда. Шундай даргоҳлардан бири Нукус Давлат педагогика институтидир. Шу илм маскани ҳаётига доир сарҳадимиз билан танишинг.

ТАРИХДАН СЎЗЛОВЧИ ТОПИЛМАЛАР

Аждодларимизнинг яшаш тарзи ҳақида далолат берувчи археологик топилмалар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам кўп топилди. Бундай топилмаларни ўрганишга талаба-ёшлар ҳам жалб қилиниши керак. Айниқса, тарих фани йўналишида илм эгаллаётганлар ўз ўлкаси тарихини билмай туриб, келажакда етук мутахассис бўлишлари қийин.

Институтимизнинг энг бой кафедраларидан бири "Тарих ва ҳуқуқшунослик" бўлиб, у ўзининг катта лабораториясига эгадир. Бу ерда маҳаллий аҳолининг ўтмишидан сўзловчи кўпдан-кўп топилмалар бор; сопол кўзалар, идиш-товоқлар, аёлларнинг зеб-зийнатлари, ҳарбий қуроллар. Қушхона тоғи атрофларида олиб борилган қазув ишлари натижасида

милоддан кейинги VI-VIII асрларга тегишли кўп археологик топилмалар олинди.

Биз асосан 1-курс талабалари билан март-апрель ойларида икки ҳафталик амалиётни археологик объектларда олиб борамиз. Улар тўртта гуруҳга бириктириб, далада — очик объектларда қидирув ва қазув ишларини амалга оширадилар.

Jarayon

"Ўзбекистон археологияси", "Тарихий ўлкашунослик" фанлари бой тарихга эга юртимиз ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради. Демак, талабаларни ўқитишда фақат дарслар билан кифояланиш керак эмас, балки юқорида таъкидлаганимдек, қазув ишлари ҳам катта самара беради.

Ўнгарбой ЮСУПОВ,
институт "Тарих ва ҳуқуқшунослик"
кафедраси катта ўқитувчиси



Она замин бағри тилсимотларга тўла, уларни ўрганмоқ керак. Институтда таълим олаётган бўлғуси тарихчилар ҳаммиса шу фикрда.

ТАМАРАДАН КўНГЛИМИЗ Тўқ

Тамара Қалекеева факультетимизнинг фахри бўлиб қолди. У ўзининг аъло хулқи, билим ва малакани эгаллашга бўлган интилишини шу йилнинг 25-26 апрелида Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика олимпиадасида ҳам исботлади. "Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётлар дастури" мавзусида ўтказилган бу беллашувда Тамара биринчи ўринни эгаллади ва II даражали диплом билан тақдирланди.

Faxr

Одатда математика фани, дея эътироф қилган кизлар орасида математика каби аниқ фанларга қизиқувчилар унчалик кўп эмас. Ўз тенгқурларидан ана шу хислати билан ажралиб туривчи Тамара Қалекеевадан келгусида математика фанининг ҳақиқий билимдони етишиб чиқишига умид қилиб қолам. Бундай талабалар кўпайса қанийди, дейман.

Б.ЖОЛИБЕКОВ,
математика ва информатика факультети декани

Юртимизда янги авлод шакллана бошлади. Бунинг учун ҳар бир таълим муассасасида ўзига хос, яъни ҳам мазмун, ҳам шаклий жиҳатдан бир-биридан фарқли янгиликлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Педагогика институтларида ҳам, жумладан, бугунги ёшларга катта маънавий озуқа берадиган кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилляпти. Хусусан, катта тарихий йўлни босиб ўтган институтимиз Қорақалпоғистон Республикасидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларига педагог кадрлар тайёрлаб келмоқда. Бугунги кунда унинг зиммасига яна ҳам улкан вазифалар қўйилган: замонавий



Озод МАТҚОНОВ,
Нукус Давлат педагогика
институту ректори, биология фанлари доктори,
профессор

ҚИЗИҚИШ ВА ҚАЛБ ҚЎРИ КЕРАК

педагог ўтмишни ҳам чуқур билиши, ҳозирги давлат сиёсатидаги устувор масалаларни ҳам теран англаши, ҳар қандай вазиятни таҳлил қила билиши, энг муҳими — болага ҳар жиҳатдан намуна бўла олиши керак.

Давлат таълим стандартларининг яратилиши ўқув ва ишчи дастурларини қайтадан кўриб чиқишга зарурат туғдирди. Мавжуд 19 та мутахассислик бўйича намунавий ўқув дастурлари асосида ишчи дастур ҳамда режалари тасдиқланди. Бу эса таълим жараёнидаги асосий тузилмадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳар бир таълим муассасаси сингари институтимиз педагогик жамоасига ҳам тегишлидир. Зеро, дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим жараёнининг "юраги" ҳисобланади. Кейинги икки ўқув йили мобайнида профессор-ўқитувчиларимиз 20 та дарсликка, 82 та ўқув-методик қўлланмага, 13 та дастурга муаллиф бўлишди. Албатта, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг китоб шаклидан кўра компьютер варианты фойдаланиш-

га қулай ва самаралидир. Ана шу мақсадда 30 та ўқув-методик қўлланма, 205 та маъруза матнлари электрон кутубхонага киритилган бўлса, 2002 йилнинг май ойида бундай ўқув манбаларидан яна 150 тачасининг электрон версиялари вуҷудга келтирилди.

Дарвоқе, компьютер технологиялари ҳозирги вақтда таълим тизимига катта энгилликлар яратувчи воситага айланди. Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги истиқболли вазифаларни белгилаб бердики, ана шу асосда биз ҳам институт ҳаётининг ички мазмунида компьютер технологияларидан кенгроқ фойдаланишга аҳамият бераётимиз. 160 та компьютернинг барчаси ишлаш қувватига эга. 8 та компьютер синфи мавжуд ва улар интернет ҳамда Давлат Тест маркази бўлимига, факультетларга тақсимланган. Факультет деканлари, кафедра мудири, талабаларнинг компьютер саводхонлигини ошириш учун уч ойлик курс ташкил этилган бўлиб, битирганларга сертификат бе-

Rektor minbari

рилади. Ўз тенгқурларидан истеъдоди билан ажралиб турадиган талабаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундан кўзланган мақсад, аввало истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўлса, иккинчидан, бошқа талабаларни ҳам улардай бўлишга ундашдан иборат. 11 нафар иқтидорли талабаларимизга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2001 йил 2 октябрдаги 202/6-сонли қарори асосида стипендияларидан ташқари ҳар ойда 10 минг сўмдан бериб борилляпти. Спорт ва жисмоний маданиятни юқори поғонага кўтариш

ниятида амалга оширилган ишлардан яна бири "Турон" стадионининг институт базасига ўтказилишидир. Бунинг натижасида 9600 кв.м ўйин майдони, 4800 кв.м машқлар майдони, 380 кв.м югуриш йўлакчасига эга бўлди. Талабалар нафақат жисмоний тарбия дарсларини, балки бўш вақтларини ҳам ўзлари истагандек ўтказишмоқда.

Институтимизнинг қўшимча биноси битказилиб, фойдаланишга топширилса, 2800 нафар талабанинг билим эгаллаши учун шароит яратилади. Бироқ ҳали бино битгунига қадар икки-уч йил бор. 2001-2005 йилларга мўлжалланган даврдаги вазифалар ижроси институтимиз педагогик жамоасидан бақамти, баҳамжиҳат иш юритишни талаб қилади. Шундай бўлгач, янги 2002-2003 ўқув йили учун талабалар қабул қилишда синчковлик билан иш тутишимиз керак. Зеро, педагогикага нафақат қизиқиши ва мойиллиги кучли бўлган йигит-қизлар, балки болаларга қалб қўрини ҳам бера оладиган ёшларни қабул қилишимиз лозим. Чунки педагогда шундай хислатлар бўлмаса, у болаларни ўқита олмайди, уқтира олмайди.

ТўЛАБ-ЯШИВАР ИСТИҚБОЛ

Қўшиқ, мусиқа юракка бир дармон бўлиб киради. Биз ҳаммамиз шуни теран англаймизки, санъат инсониятнинг ҳаммисалик дўсти ва ҳамроҳи бўлиб келган.

Юртимизда истеъдодли ёшларнинг қўллаб-қувватланаётганига қанчадан қанча мисоллар келтириш мумкин. Бир қанча жамғармалар, нуфузли мукофотлар ёшларнинг бахт-иқболи ва келажак-

гини ўйлаб таъсис этилмоқда. "Ниҳол" ана шундай нуфузли мукофотлардан бири. У ўзининг истеъдодини санъат соҳасида кўрсатишга муваффақ бўлган ёшларга берилади.

2001 йил якунларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси

San'at



Институт биносининг ташқи кўриниши.

бўйича мен "Ниҳол" мукофоти лойиқ деб топилдим ва шунда юрагим жуда тўлқинланиб кетдию ҳаёлимдан шундай фикрлар ўтди: "Мустақил Ўзбекистон ёшларининг интилишлари тўла-тўқис намоён бўляпти, "Ниҳол" рамзий ибора: У ўсади, гуллайди ва кейинчалик шоҳлари ҳар томонга қараб ўсган дарахт бўлади. Демак, бизга берилган бундай мукофотнинг келгусида ҳисоботи бўлиши керак".

Ҳозирда ижод машаққатларини бошдан кечириб билан бирга институтда иқтидорли талабаларга раҳбарман. Ишлар кўп, вақт югурик, аммо ҳаммасига улгуриш лозим, аслида мазмунли яшамоқнинг мезони шундай.

Мақсуд ЎТАМУРОДОВ,
"Ниҳол" мукофоти совриндори,
институтнинг собиқ талабаси

Саҳифа материалларини "Ma'rifat"нинг махсус муҳбири Хулқар ТҲИМАНОВА тайёрлади.

ТИНЧЛИК САРИ ЮЗ ТУТТАН ДИЁР



Биламизки, ён қўшнимиз Афғонистоннинг миллий таркиби хилма-хил. Мамлакат жанубида пуштун, марказий қисмида ҳазорий, шимолий ва шимолий-ғарбий қисмида тожик, ўзбек, туркман каби миллиятлар яшайди. Ушбу ҳолат бевосита миллий адоват замирида уруш ўчоғининг вужудга келишига таъсир кўрсатади. Шунча жафоликлардан сўнг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий танглик халқнинг турмуш тарзида қора доғлар қолдирди. Энг ачинарлиси, аҳолининг саводхонлиги (46 фоиз эркаклар, 3 фоиз аёллар) ўта паст даражада бўлиб, бундай маърифий саёзлик ўрнини қоплаш учун эндиликда Ўзбекистон ўз ижтимоий ёрдамларида мана шу жиҳатларни ҳисобга олмақда. Шунингдек, тиббиёт соҳасида мутахассис кадрлар ва дори-дармонларнинг етишмаслиги ҳам давлатлар томонидан кўрсатилаётган бегараз ёрдам ҳисобига тўлдирилаяпти.

Юқорида айтиб ўтганимиз каби баъзи муҳим кўрсаткичлардан кўришиб турган Афғонистоннинг ҳозирги ҳолатига бир қанча омиллар сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, 1979 йил собиқ совет қўшинларининг киритилиши мамлакатда фуқаролар урушининг бошланишига олиб келди. Бу ўз навбатида бу давлат иқтисодиётини ва сиёсий бошқарувини издан чиқара бошлади. Бундай тангликни янада кучайтирган воқеа 1989 йил собиқ совет қўшинларининг у ердан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлдики, киритилган "беғоналар" ўзларидан кейин турли қабила ва гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун курашни қолдирди, енгил ва осон пул топиш манбаи бўлган наркотик экинларни оқшиш ва қурол-яроғ савдосига кенг имкониятлар тудириб берди.

Шундай мураккаб вазиятда толибонларнинг ҳукумат тепасига келишини одамлар нажоткор бўлармикан, дея олқишлар билан кутиб олди. Бироқ толибонларнинг 1996 йили расмий равишда пойтахт Қобулни қўлга киритиши ва ўзининг диний радикал ислом тартиботини ўрнатишга ҳаракат қилиши афғон халқи бошига оғир мусибатларни ёғдирди.

Инсон ҳуқуқлари, демократик тамойилларни қўпол равишда бузганлиги учун толибонлар жаҳон ҳамжамияти эътирозларига йўлиқдилар. Чунки уларнинг даврида аёлларнинг ҳуқуқлари кескин чекланди. Эркаклар ислом ақидаларига мос яшашга мажбурланди. Мамлакат ҳудудида жаҳонда террористик ҳужумлар уюштиришга хизмат қиладиган ҳарбий базалар яратилди.

Ва ниҳоят, АҚШдаги 11 сентябрь ҳодисалари афғон жамияти тақдирини ўзгартириб юборди, десак муболаға бўлмайди. АҚШнинг толибон тартибини ағдаришга қаратилган антитеррор ҳарбий ҳаракатларини муваффақиятли олиб бориш, оддий халқ қалбиде катта умидлар туғдирди. Афсуски, Толибон тузуми ағдарилган вазиятда ички аҳвол ачинарли даражада эди. Шунингдек, жон сақлаш мақсадида 7 млн. афғон хорижга чиқиб кетишган.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирда 40 дан ортиқ нодавлат ва халқаро ташкилотлар бу юртда фаолият кўрсатиб, ёрдамга муҳтож аҳолига амалий кўмак бераяпти. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг бу борада амалга ошираётган сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолаб келинмоқда. Республикамизни Афғонистон билан боғловчи "Дўстлик" кўприги ва дарё орқали Шимолий Афғонистон ҳудудларига инсонпарварлик юкларининг ўтказилаётгани, мамлакатимиз жанубидаги Хонобод аэропортидан аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотлар етказиб турилиши ҳам бу баҳога амалий жавоб бўлади.

Тинчлик сари юз тутган бу қўшни давлатдаги муаммоларни ечишда бевосита сиёсий ҳокимият ва бошқарув аппаратининг ўрни муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Жамиятнинг бир тизимдан иккинчи бирига ўтиш босқичида сиёсий бошқарувни мустақкам ташкил этиш халқнинг келажак тақдирини белгилаб беради. Шу ўринда Бонн шахрида Афғонистон давлатини қайта ташкил қилиш учун муҳим қадамлар ташланиб, Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукумат тасдиқланганлиги муҳим аҳамият касб этганди. Бир хорижий мухбирнинг айтганидек, у ҳозир мамлакатни қуролсиз, қон тўқмасдан ақли ва сўзи билан бошқара олади.

Дарҳақиқат, яқинда Ҳамид Карзай муваққат ҳукумат раҳбарлигидан мамлакат Президентлигига ўтди. Энди у Афғонистоннинг ҳақиқий Президенти сифатида иш олиб боради ва қасамёд маросимида айтганидек, фақат ва фақат афғон халқи учун меҳнат қилади.

Эркин ХУДОЙҚУЛОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро алоқалар факультети талабаси

Америкалик генетик Барбара Мак-Клинтон Хортфордда (Коннектикут штати) туғилди. У врач Томас Мак Клинтон ва унинг рафиқаси Сара Хендининг уч кизи ичиде энг кичиги эди. Барбара кўп вақтини аммаса ва амаллари билан шахардан ташқарида, Массачусетснинг қишлоқ жойларида ўтказарди. У 8 ёшга тўлганида уларнинг оиласи Бруклиндаги (Нью-Йорк) Флатбуш шахрига кўчиб ўтди, шахар кўпроқ қишлоққа ўтшаб кетарди. Унинг отаси "Станфорд Ойл компани" да врач бўлиб ишларди. Унинг вазифаси нефть танкерлари команда аъзоларини доволаш эди. Мак Клинтон қиз болалик пайтида муз устида фигурали учиб ва спортнинг бошқа турларига қизиқарди. У кўпроқ қўшни ўғил болалар билан ўйнарди. Худди шу даврда Мак Клинтонда китобхонликка бўлган қатъий қизиқиш ва ёлғизликда хаёл суриш шаклланди.

1918 йили Мак Клинтон Бруклиндаги ўрта мактабни тамомлади. Қизлари ўқишни давом эттиришини хохламаган ота-онасининг қаршиликларига қарамай, у барибир уларни кўндирди ва 1919 йили Итака (Нью-Йорк штати) даги Корнел университетига ўқишга қабул қилинди. У бу ердаги қишлоқ хўжалиги коллежида биологияни ўрганишга киришди.

Университетда Мак Клинтонки биринчи курс қизлари клубига президент этиб сайланди. Аввалига у жамоат ишларида фаол қатнашди ва ҳатто, жамоа оркестрида банжо ҳам чалди. Бироқ клубга яхудий дугоналари таклиф этилмаганликларини билган, аёллар иттифоқида кирмасликка қарор қилди. Мак Клинтон кичик курс талабалари учун ягона мумкин бўлган генетика бўйича маърузаларга қатнаш бошлади ва ўз ўқувчиларида шундай таассурот қолдирдики, улар Мак Клинтон анча ёш бўлишига қарамай битирувчи курси билан шуғулланишни таклиф этишди. 1923 йил Мак Клинтон бакалавр даражасини қўлга киритди, сўнгра ўз ўқишини цитология (хужайра тўғрисидаги фан), генетика ва зоология мутахассислиги бўйича ботаника бўлимида давом эттирди.

Генетик тадқиқотларнинг сеvimли объекти мейоз пашшалари (*Drosophila melanogaster*) ва маккажўҳори ёки маис (*lema*) эди. Олимлар ўртасида дрозофиланинг машхурилигига сабаб, унинг ривожланиш даври қисқа, юқори серпушт ва айрим ўзига хос жисмоний хусусиятларидир. Маккажўҳорида ривожланиш даври узунрок, аммо донлар ва баргларининг ёрқин ва ранг-баранглиги унинг генетик тадқиқотлар учун жуда мослигини билдиради.

Ҳали Мак Клинтон университетнинг куйи курсларида ўқиб юрган пайтларидаёқ, қишлоқ хўжалиги коллежи ходимлари генетика соҳасидаги биринчи қадамларни кўя бошлаган эдилар. Профессор Р. А. Эмерсон маккажўҳори генетикаси ва гибридинг чизиқлари билан шуғулланарди. Мак Клинтон у билан бирга ишларди: у ҳатто икки юқори курс талабаси Жорж У. Бидл ва Маркус Родд билан фойдали касбий алоқалар боғлади, кейинчалик бу иккалови машхур генетик олимлар бўлиб етишдилар.

1924 йили диплом ишини

тайёрлаш давомида Мак Клинтон маккажўҳорининг айрим хромосомаларини микроскоп остида ўрганиш усулини ишлаб чиқди. Бу фоя уни параллел равишда хромосомалар ва фенотипик ёки физик белгиларни ўрганиш билан шуғулланишга ундади. Худди шу йили у ботаника бўлимига ассистент этиб тайинланди. 1925 йили эса магистр даражасини олди. Ўзи ишлаб чиққан усул тўғрисида диссертация ёклаб, ордан икки йил ўтгач, фалсафа доктори бўлди. 1927 йилдан 1931 йилгача эса ботаника бўлимининг профессори бўлиб ишлади.

Бу йиллар давомида Мак Клинтон маккажўҳори хромосомалари, шунингдек уларнинг катита ўсимликлардаги белгиларининг фенотипик намоён бўлиши билан корелляциясини ўрганишнинг давом эттирди. Хэриот Крейтон билан биргаликда маккажўҳори хромосомалари мейоз (камайиш деган маънони англатади), жинсиз усулда кўпаядиган организмларда ўзига хос бўлиниш усули) нинг эрта жараёнида хромосомалар кроссинговерда (хромосомалар чалқашини) генетик материал ва ахборот билан алашганини аниқлади.

1929 ва 1931 йиллар оралиғида Мак Клинтон биоло-

Nobel mukofoti sovrindorlari

га қайтиб келди ва 1936 йилга қадар Эмерсон бўлимида илмий ходим бўлиб ишлади. Кейин Миссури университетиде ботаника профессори ассистенти лавозимига тайинланди. Хизмат шохсупасидан юқори кўтарилиши учун имкон камлигини тушунган Мак Клинтон 1941 йили университетдан кетди ва ёз бўйи Колд-Спринг-Хаборда (Нью-Йорк штатида) эски дўсти Маркус Родд лабораториясиде ишлади. Кузда Колд-Спринг-Хабордаги Вашингтон институти ходими бўлиш таклифини қабул қилди. У шу кунга қадар ҳам ўша ерда маккажўҳори бўйича тадқиқотларини олиб бормоқда.

1940-50 йиллар Мак Клинтон учун айниқса сермахсул келди. Қиш ойлари у аввалига ёзда ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини таҳлил қилиб, кейинги йил режаларини тузади. Ёзда лабораторияси олдидаги майдончада маккажўҳори ўстиради. Дастлабки тажрибалар уни, маккажўҳори хромосомаларида ҳаракатчан генетик элементлар мавжуд бўлса керак, деган фикрга олиб келди. 1943-44 йил қишида у ўз назариясини тасдиқлаш умиди-

кашфиёт узоққа боровчи иштиқболларга эга эди: масалан, кўчиб юрвчи генлар ёрдамида қандай қилиб бактериянинг бир туридан иккинчисига антибиотикларга қарши резистентликнинг ўтишини тушунтириб бериш мумкин эди. Мак Клинтон модели, шунингдек ирқийликнинг қатъий Менделеев қонунларига зид келувчи айрим жараёнларни интерпретация қилишга ёрдам беради. Бу қонунлар икхтиёрий икки ошонанинг фенотипик хусусиятлари авлодлар ўртасида генетик доминантлик ёки оддий нисбатдаги рецессивликка мувофиқ бўлинади деб таъкидларди. Мак Клинтоннинг схемаси ривожланишнинг эртанги давридан кечкисига томон маккажўҳори сўтасидаги ранглар ўзгариши механизмини ҳам тушунтириб беради. Мак Клинтон шунингдек, ўсимлик ёки хайвонлар янги турларининг тез юзага келиши ҳаракатчан генетик элементлар ёки генлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган фикрни билдирди.

1950 йили Мак Клинтон Колд-Спринг-Хаборда ўтказилган симпозиумда ҳаракатчан генетик системалар ва маккажўҳори генетикаси бўйича тадқиқотлари ҳақида маъруза қилди.

1958-1960 йиллари у тадқиқотлар ўтказмай, Миллий фанлар академиясини томонидан таклиф этилган дастур асосида Жанубий Америка мамлакатлари цитологларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланди. У маккажўҳори генетикаси ва ҳаракатчан генлар бўйича ишларини қайта бошлаган вақтда, бактериял генетика соҳаси мутахассислари бактерияларда Мак Клинтон маккажўҳорида топганига ўхшаш регулятор генларни аниқладилар.

Мак Клинтон 1983 йил генетик системалар транспозицияларини кашф этганлиги учун физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди. Ишончли бажарилганига уч ўн йилликдан ортиқ вақт ўтганди. У энди Мак Клинтоннинг муваффақияти деб тан олинди.

Ўз биографи Эвелин Фокс Келлерга берган интервьюсиде ўзининг ишга бўлган муносабатини куйидаги сўзлар билан билдирганди: "Сиз бу нарсаларга қараганингизда улар жисмингизга айланади. Бу сиз ўзининг хақингизда унутасиз. Энг муҳими ҳам сиз ўзининг хақингизда унутганингизидир". Нобел кўмитаси Мак Клинтонга яққоҳол деб берган тавсифларини тасдиқлаган холда, у Колд-Спринг-Хабордаги лабораториясиде ва тажриба даласиде маккажўҳори генетикаси бўйича тадқиқотларини давом эттирмоқда. У ҳеч қачон оила қурмаган.

Нобел мукофотидан ташқари Миллий фанлар академиясининг генетика бўйича Кимбер мукофоти (1967), Миллий илмий жамғарманин "Илмий ютуқлари учун" медалини ((1970)), фундаментал тиббий тадқиқотлари учун Алберт Ласкер мукофоти (1970), Исроилнинг Вольф жамғармаси тиббиёт бўйича Волф мукофоти (1981), Колумбия университети Луиза Гросс-Хорвиц мукофоти (1982) соҳибаси. 1981 йили Макартура жамғармаси моддий кўмагини олган. Мак Клинтон Миллий фанлар академияси, Америка табиатшунослар жамияти, Америка фалсафа жамияти, Америка ботаника жамияти ва Америка генетика жамияти аъзоси.

У Рочестер университети, Смит Коллежи, Миссури университети, Йелл университети, Уильям коллежи, Нью-Йорк университетининг фахрий даражаларига эга.

А. ТўРАЕВ

МАККАЖЎХОРИ БИЛАН БОҒЛИК КАШФИЁТЛАР

гия ва генетика журналларида 9 та мақола эълон қилди. 1931 йили Корнел университетига Томас Хант Морган ташриф буюрди. Мак Клинтоннинг тадқиқотлари унда чуқур таассурот қолдирди. У Мак Клинтонга "Миллий фанлар академиясининг миллий ишлари" ("Proceeding of the National Academy of Science") журналида ўз ишларини эълон қилишни таклиф этди. Мак Клинтоннинг мейоз давомида генетик ахборот алмашинуви тўғрисидаги "The maus" да цитологик ва генетик кроссинговер корелляцияси" ("A Correlation and Genetical Crossing Over in Thea maus") номли мақоласи журналнинг 1931 йил август ойидаги сониде босилиб чиқди. Худди шу йили Мак Клинтон миллий тадқиқот кенгашидан моддий кўмак олди. Бу унга кейинги икки йил давомида маккажўҳори генетикасини тадқиқ этиш билан шуғулланиш имконини берди. Мак Клинтоннинг ўзи Калифорния технология институтининг Морган бўлимига илмий ходим этиб қабул қилинди, Корнел университети ва Колумбиядаги Миссури университетиде ишлади. У маккажўҳори хромосомаларида рентген нурларини келтириб чиқарган генетик мутациялар билан ўсимликдаги фенотипик белгилар ўртасидаги корелляцияни ўрганди. Мак Клинтон халқасимон хромосомаларнинг маккажўҳори донларидаги ранг-баранг туснинг юзага келиши билан боғлиқлигини аниқлади. У шунингдек хужайравий оксилларнинг биосинтез маркази — хужайравий рибосомалар биосинтези кирган ядровий хромосомаларни ҳам топди.

Гугенхейм жамғармасининг моддий кўмаги Мак Клинтонга 1933 йили Берлиндаги Кайзер Вилгелм институтида ўтказиш имкониятини берди. Бироқ, кейинги йилнинг ўзидаёқ нацизм ривожланишидан ташвишга тушган Мак Клинтон Корнел-

да тажрибалар дастурини режалаштирди. 1944 йили Мак Клинтон ўсимлик эгизаклар баргларидаги турли рангларни сезиб қолди; уларнинг бирида ранги куюкроқ бўлса, иккинчисиде очроқ эди. Худди шунга ўхшаш ҳолатни сўта доналарида ҳам кўргач, у қиз ўсимликлардан бирида бошқасиде бўлмаган махсус генетик тизим бўлса керак, деган хулосага келди. Бу ҳодиса ҳозирда транспозиция, жараёнга қўшилган генлар-транспозонлар ёки кўчиб юрвчи генлар деб аталади.

Олинган тажриба натижалари генетик система моделини аниқ шакллантириб бериш имкониятини берди. Системага икки транспозон генлар: Мак Клинтон томонидан Ds-ген деб аталадиган дисцилятор ва As-ген-активаторлар киритилди. Мак Клинтоннинг кузатувларига асосан генетик система куйидагича ишларди: Ds-ген структура гени билан ёнма-ён хромосома майдонига томон ҳаракат қилади (мас., маккажўҳори баргларидаги йўллар алмашинувини назорат қилувчи структура генига қараб), у структура генининг фенотипик экспрессиясини беради ва барглардаги йўллар оч бўлади. Бироқ, структура гени томонидан босилиш фақатгина As-ген бошқа икки ген ёнидан жой олгандагина самарали бўлади. Агар As-ген узокроқ майдонга қараб ҳаракат қилса, у ҳолда структура генининг Ds-ген томонидан босилиши юз бермайди ва барглардаги йўллар ёрқин бўлади. Мак Клинтоннинг хулосаларига кўра, транспозон генлардан бири босувчи ген бўлса, бошқаси унинг босувчи таъсирини олиб ташлайди.

Мак Клинтон томонидан генетик системадаги транспозициянинг ва генетик тартибга солинишни тартибга солиниши бактериялар генетикаси ютуқларини босиб кетди ва улардан 15 йилларга қадар илгарилаб кетди. Бу

XVII жаҳон чемпионати шов-шувларга шунчалик бой бўлаётгани, бу аслида қутилган, негаки, бундай нуфуздаги мусобақалар илк бор Осиё қитъасида, янги асрда биринчи маротаба ўтказилаётган эди.

Эътибор беринг: чорак финалда азалий гегемон — Европададан тўрт жамоа, Жанубий Америка, Африка, Осиё ва Шимолий Америкадан биттадан. Кўҳна қитъанинг 4 жамоаси қолган минтақаларга қарши майдонга тушади. Бунақаси XX асрда бўлмаган эди.

Гарчи, чорак финалнинг дастлабки икки ўйинида кўпчилик томонидан қутилган натижалар қайда қилинган бўлса-да, ҳали

мамлакат терма жамоалари кучли тўртликдан, яъни, совриндорлар сафидан ўрин олишган. Бразилия ва Германия 9 маро-

таси Европа, 4 таси Жанубий Америка ва биттаси Шимолий Америка вакиллари дур. Бу гал улар

Сенегал—Туркия ўйинларидан сўнг билиб оламиз.

Демак, 1/4 финалнинг икки ўйини бўлиб ўтди:

Англия—Бразилия — 1:2

Германия—АҚШ — 1:0

Ҳозиргача ЖЧ—2002 да 58 та ўйин бўлиб ўтди.

Уларда дарвозаларга 151 та тўп киритилди. Ҳар ўйинда ўртача — 2,6 тадан. Тўпурарлар баҳсида Клозе (Германия), Роналдо ва Ривалдо (Бразилия) пешқадамлик қилишмоқда — 5 тадан.

ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

жаҳон чемпионати якунига етгани йўқ.

Шу пайтгача ўтказилган 16 жаҳон чемпионатида 22

табадан, Италия 7 марта, Уругвай, Аргентина, Швеция, Франция 4 мартадан. Умуман, 22 жамоанинг 17

қаторига Осиё ёки африкаликлар қўшилиши ҳам мумкин. Буни бугун бўладиган Испания—Корея ва

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш жараёнида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ҳозирги давр талаби даражасида ташкил этиш ва уни миллийлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, бундай ўйинлар ва спорт турлари қадим замонлардан бери халқимиз ҳаёти, унинг маданий, иқтисодий, сиёсий ижтимоий, маиший томонларини ўзида мужассам этиб келади.

Биобарин, асрлар давомида яралган бу ўйинларга аждодларимиз сайқал бериб, такомиллаштириб кейинги авлодларга мерос сифатида қолдириб келганлар. Асрлардан асрларга ўтган бу ўйинлар ўз навбатида ёшларни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бўлиб хизмат қилади. Уқув жараёнида халқ ўйинларини қўллаш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширади. Болалар ўзларида ижодий жўшқинликни ҳис қиладилар. Шу билан бирга, маданий бойликларимиз билан танишдилар, қадимий атама ва ибораларимизни ўрганадилар.

Шунингдек, жисмоний тарбия фани дарсларида қиз ва ўғил болаларни алоҳида-алоҳида ажратиб ўқитиш аъналаримиз, кадрятларимиз ва эътиқодимиз мазмунидан келиб чиқади. Чунки, бу усул шарқона одоб, ахлоқ, шарм-ҳаё, ифпат, нафосат туйғуларини қизларимиз онгига сингдириб беради. Бундан ташқари улар учун дарс жараёнида кўпроқ миллий рақс элементлари ва ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш

ДАРСЛАРДА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

Taklif

мақсадга мувофиқдир. Масалан, "Ўзбекистон рақси", "Анджон полькаси", "Наманган олмаси", "Муножот", "Тановар", "Лазги" оҳангларида олдинга, чап ва ўнг ёнларга юриш ва ҳаракатлар билан боғлаб бориш сингари машқлар шулар жумласидандир.

Ўғил болалар келажакда Ватан ҳимоячиси, оилада ота, яъни, оила бошлиғи бўладилар. Шунинг учун ҳам уларга ҳаётий зарур бўладиган, малака ва кўникмаларни бевосита шакллантирадиган, тараққий эттирадиган ҳаракатлар танлаб олиниши керак. Шу ўринда, жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш, уларни ўтказиш ва ташкил қилиш учун мактабда зарур шароитни яратиш лозим. Шунингдек, болаларда халқ ўйинларига қизиқиш уйғотиш ва уларни мустақил равишда бажаришга ўргатиш зарур.

Куйида эса халқимиз орасида кенг тарқалган миллий ўйинлардан айримлари билан танишасиз.

"ДУРРА" ЎЙИНИ

Бу ўйинни бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ташкил қилиш мумкин.

Ўйинчилар доира ҳосил қилиб чўнқайиб ўтирадилар. Бир ўйинчи (бошловчи) кўлига дуррани ўраган ҳолда туради. Буйруқ берилиши билан ўйинчилар бошларини тиззаларига қўйиб, кўзларини юмадилар. Шунда бошловчи кўлидаги дуррани доира четида айланиб юриб, билдирмасдан бирорта ўйинчининг орқа томонига қўяди ва югура бошлайди. Ўйинчилар дарров орқаларига қарайдилар. Дурра қўйилган ўйинчи дарҳол уни олади ва бошловчининг доира чети бўйлаб қува бошлайди. Шунда қочаётган бошловчи зудлик билан ўзини қуваётган ўйинчининг ўрнига бориб ўтириши керак. Агарда, у бунга улгурар олмас ва қуваётган ўйинчи унга етиб олиб, дурраси билан урса, бошловчи ўша ўйинчини қувади. Ўз навбатида у ҳам ўз жойига ўтириб олишга ҳаракат қилиши керак.

Ўйин шу тарзда навбатма-навбат давом этади.

"ОТИБ ҚОЧАР" ЎЙИНИ

Бу ўйинга бутун синф ўқувчилари қатнашса ҳам бўлади.

Отиш жойи чизиги чизилади. Чизиқ-

дан олдинги жойга икки қадам кенгликда доира белгиланади. Бу доира тўпни урувчи жамоа ўйинчиларининг ҳимоя уйи ҳисобланади. Тўпни отиш ва уриш чизигидан 25-30 метр узоқликда марра белгиланади.

Икки жамоа иштирокчилари отиш жойида қолиш учун қуръа ташлайдилар. Отиш жойида қолган ўйинчиларга қарши жамоанинг бир ўйинчиси копток ташлаб беради. Ўйинчи коптокни имкон қадар узоққа отишга ҳаракат қилади. Агар копток узоққа кетса, ўзи марра чизигига бориб, сўнгга жойига қайтиб келишга улгуриши керак. Копток узоққа кетмаса, ўйинчи доира — уй ичига кириб дам олиб туради. Ҳимоячилар коптокни ердан олиб маррага югурмоқчи бўлган ўйинчини уришга ҳаракат қиладилар. Агар улар ўша ўйинчини копток билан урсалар, копток рақиб томонидан ўзларига қайтарилиб урилишидан аввалроқ отиш чизигини эгаллашлари керак. Акс ҳолда тўп теккан ўйинчи дарҳол коптокни ушлаб, ҳимоячиларни қайта уриши ва отиш чизигини уларга бевосита бермаслиги мумкин. Ҳимоячи коптокни илиб олса, уни ерга уради ва барча ҳимоячилар отиш чизигига югурдилар. Шу йўл билан ўйинчилар ўринларини алмашдилар. Тўпни ерга уриб, ўрин алмаштирамоқчи бўлган жамоани улар яна уришлари мумкин. Бу ерда отиш чизигини эгаллаш учун кураш кетади.

И. ИСМОИЛОВ,
Ш. ХИДИРОВ,
Жиззах вилояти ПҚТМОИ
ходимлари

Кучли, чиниққан ва жасур бўлишни нимагадир йигитларга хос сифат деб қараймиз. Ҳўш, табиатан нозик саналмиш қизлар ҳам бундай сифатларга эга бўлиши мумкинми? Халқимиз бисотидаги эртақ, ривоят ва афсоналарда фақат шаҳзодаларгина эмас, балки маликалар ҳам кураш ва эҷилликдан сабоқ олгани бежиз берилмаган. Демак, ота-боболаримиз инсон баркамол бўлиши учун ақлан ва жисмонан соғлом бўлишига алоҳида эътибор берганлар. Жисмонан чиниқкиш инсоннинг ўзига бўлган ишончини оширади, иродасини шакллантиради. Бугун фақат соғлиги ва иродасини тоблаш учун-

лан бошқаларга ўрناк бўлаемиз.

Мунира БОБОЕВА, Турон миллий яккакураши бўйича 2001 йил ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг биринчи ўрин соҳибаси:

— Мен спортчилар оиласида улгайганман. Отам, акаларим ва опам спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда қатнашиб туради. Отам Уругут туманидаги 24-мактабда ва тумандаги спорт мактабида жисмоний тарбиядан сабоқ беради. Тўғрисиини айтсам, мен қиз бола бўла туриб, кураш тушаётганим учун хижолат бўлмайман, аксинча, фохрланаман.

Шамснур БЕРБЕР, самбо бўйича Осиё чемпионати мусобақаларида 3-ўрин совриндо-

ҳибаси:

— Мен ҳам бошқа дугоналарим сингари оддий қишлоқ қизиман. Дастлаб, уйдагилар курашчи бўлишимга унчалик рози бўлишмаган бўлсалар-да, менинг қизиқишимни кўриб раъийимни қайтармадилар. Илк маротаба катта мусобақаларда қатнашиб, совриндор бўлиб қайтганимдан сўнг, атрофимдагилар журмат ва қизиқиш кўзи билан қарай бошладилар.

— **Тенгдошларингизга нима деган бўлардингиз?**

М. ШАМСИЕВА:

— Мен фақат тенгдошларимга эмас, балки кичик ёшдаги укаларимга ҳам спортнинг бирон тури билан мунтазам шуғулланишни маслаҳат бераман. Чунки инсон, ав-

спорт билан шуғулланиш лозим.

Г. ИСМАТОВА:

— Мен ҳаётимни спортсиз тасаввур қилолмайман. Тайлоқ олимпия Захиралари касб-ҳунар коллежидан тахсил олаётган 400 дан ортиқ ўқувчилар ичида чекувчи ёки бошқа ёмон одатли ўқувчилар йўқ. Уларнинг ҳаммасини катта бир улуг ниёт бирлаштириб туради. У ҳам бўлса, жаҳон микёсидаги таниқли спортчи бўлиш. Менимча, бошқа тенгдошларимнинг ҳам шундай юксак ниятлари бўлиши лозим деб ўйлайман.

Ш. БЕРБЕР:

— Мен баъзан жиноятга қўл урган ёки ўз жонига қасд қилган ёшлар ҳақида эшитганимда жуда қаттиқ афсусланаман. Чунки иродаси бўш ёшларгина шундай иш тутадилар. Улар ўзларига ишонмайдилар. Спорт эса ҳар қандай инсонни тўғри йўлга бошлайди. Спортчи доимо майдонга тушганида ортида ўзига кўз тиккан яқин кишилари, устозлари ва халқи ишончини ҳис этиб туради. Менимча, бу энг юксак туйғудир. Биз Ватан номини улғулловчи шараф учун курашамиз.

Биз Тайлоқ олимпия Захиралари касб-ҳунар коллежининг талаба қизлари билан суҳбатлашиб, бир олам таассурот олиб қайтдик. Ҳақиқатан ҳам шижоатда тенги йўқ бу қизларнинг келажакда жаҳон чемпионлари бўлиб етишишларига шубҳа йўқ. Уларга тарбия бераётган мураббий ва устозлари бундай шогирдлари билан фохрланса арзийди. Биз эса қизларга омад тилаб, орзулари ушалишида тилақдош бўлиб қоламиз.

Назокат ШЕРБОЕВА

ШИЖОАТДА ТЕНГИ ЙЎҚ ҚИЗЛАР

гина эмас, спортни ўз тақдирига айлантирган чемпион қизлар суҳбатига қулоқ тутайлик.

Мадина ШАМСИЕВА, самбо бўйича Осиё чемпионатининг кумуш медал соҳибаси:

— Мен ўзим хоҳлаб спорт билим юртига ўқишга келдим. Ота-онам қаршилиқ қилгани йўқ. Лекин атрофдагилар учун қиз боланинг даврада кураш тушиши галати туюлади. Бу табиий ҳол, чунки халқимиз ҳали курашчи қизларга ўрганмаган. Насиб қилса, биз ўзимизнинг спортдаги ва ҳаётдаги ютуқларимиз би-

ри:

— Мен Тайлоқ туманининг Адас қишлоғида воёга етганман. Ўзим танлаган касбнинг барча қийинчиликларини энгиб ўтиб, энг яхши спортчи номини олиш учун интиломқадман. Атрофдаги майда гапларга кўпман эътибор бермайман. Чунки спортчининг мақсади жуда юксак бўлади. Эътиқоди ҳам шунга яраша.

Гулмира ИСМАТОВА, миллий кураш бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган республика мусобақасининг 2-ўрин со-

Ҳурматли
Ҳамида Абдуллаевна
Аҳмедова!

Таваллуд айёмингиз билан самимий қутлаймиз. Мактабгача таълим соҳасида катта гайрат билан олиб бораётган фаолиятингизни бевосита кўриб, қузатиб турган кишилар сифатида, Сизни ниҳоятда қадрлаймиз. Таҳрир ҳаёлати аъзоси сифатида журналимизга кўрсатаётган доимий ижодий ёрдамингиздан ҳамиша миннатдоримиз.

Сизга соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилаймиз.

"Соғлом авлод учун" журнали ҳамда "Мактабгача таълим" журнали жамоалари

Муҳтарам ҳамкасбимиз
Ҳамид АҲМАТОВИЧ!
Сизни таваллуд кунингиз билан жамоамиз номидан самимий муборакбод этаемиз. Келгуси фаолиятингизда улкан зафарлар ҳамроҳингиз бўлсин. Соғлиқ, омонлик, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин.

Сизга эҳтиром билан пойтахтдаги 318-иختисослашган мактаб-боғча мажмуаси жамоаси

Ақл билан қилибон мурасасиз баҳс, Афсуски, кўпинча голиб келар нафс.

Қадимда бўлган бир паҳлавон, ботир, Бир ўзи бир бутун кўшинга татир.

Шайтондан кўравергач ўз эли жабр, Паҳлавонда қолмади тоқат ҳам сабр,

Шайтонни излабон узоқлаб кетди, Охири бир чўли сахрога етди.

Кўринди бир кўланка одам сиёқ Коп-қора эди у, бошдан то оёқ.

Кимсан деб сўради паҳлавон хайрон, Дедики у, менинг номимдир шайтон,

Паҳлавон шу заҳот унга ташланди, Ўртада аёвсиз кураш бошланди.

Кумлар ҳар томонга сочилди тўзиб, Шайтонни йикитди газаби кўзиб,

Боғладику арқонда кўлу оёғин, Сўнг кинидан олди ўткир яроғин,

Тилга кирди шунда ул маккор шайтон, Тўхта, деди, сўзим эшит, паҳлавон,

Туну кун эл учун урсангда жавлон, Сенга бирортаси куйдирмагай жон.

Мени ўлдирмасдан гар қолдирсанг сог, Олтину бойлигинг бўлар мисли тоғ.

Ҳар кун сен уйқудан кўз очган чоғинг, Олтиннинг устида ётар оёғинг.

Паҳлавон ҳам шунда ўйланиб қолди, Ҳирс унинг кўнглига васваса солди.

Нафс ўти тўсди ақлнинг йўлини, Бўшатди шайтоннинг оёқ ва кўлини.

Rivoyat

ПАҲЛАВОН ВА ШАЙТОН

Кун ботганда ҳориб уйига етди, Чарчаган эди, дарров уйку элитди.

Кўз очиб боқсаки тўшака тонгда, Юмалаб ётарди ўн олтин танга.

Паҳлавондан йўқолди гам ила ташвиш Энди роҳатда ўтар умри ёзу қиш.

Бир ойлар ўтди-ку кунлар шу тахлит, Ҳар тонг тўшақда ўн танга яхлит

Бир кун тонгда кўз очса йўқ эди олтин, Наҳот шайтон унутган берган онтин.

Яна у шайтонни излабон кетди. Яна ўша чўлу сахрога етди.

Шайтон ҳам юрарди сахрони кезиб Келди у ҳам паҳлавон келганин сезиб,

Паҳлавон ҳам шайтон ёнига етди, Унга дўк қилдию бақира кетди:

— Бергансан қанчалар ваъда чиройлик, Қани у беҳисоб олтину бойлик.

Қаҳ-қаҳ уриб шайтон кўтарди сурон, Кумлар учди худди бўлгандек бўрон:

— Дўк урасан, мен сендан қарздор гўё, Айт, отам сендан олтин қарздорми ё?

Паҳлавон ташланди ул шайтон томон, Терингни шилиб мен, тикай деб сомон.

Лекин у бу сафар тез қолди ҳориб, Шайтон зум ўтмай келдику голиб.

Паҳлавон ётарди юраги вайрон, Чархнинг бу ишидан бўлибон хайрон:

— Майли ўлдир мени, гуноҳкор ўзим. Лекин бордир сенга бир оғиз сўзим.

Бир ой олдин шу ерда қилган эдик жанг Мен сенинг ҳолингни қилган эдим танг.

Не сабаб бу сафар кучим қирқилди. Бир зарбанга таним ерга тикилди.

Шайтон дер? майли, тингла паҳлавон, Не сабаб бу жангда мен енгдим осон.

Ўтган гал келгандинг элу юрт учун, Ҳақиқат қирққанди менинг бор кучим.

Бу сафар сен келдинг фақат нафс учун, Нафс менинг қудратим, нафс менинг кучим.

Оламни титратган сендай паҳлавон, Нафс йўлида энди бўлгайсан қурбон.

Музроб МҲМИНОВ,
Иштихон туманидаги 59-мактабнинг
математика фани ўқитувчиси

АСРЛАР САДОСИ

Тасвирий санъатда бутун борлик, мўъжизакор олам шакллари, чизиклар, ранглар, бўёқлар суртмаси орқали кўз ўнгида гавдаланади. Инсон яралибдики, санъатнинг бу тури шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар давомида раванқ топиб келмоқда. Юртимизда не не мусаввирлар ижод қилиб ўтмадилар, дейсиз. Айниқса, буюк мусаввир Камолитдин Беҳзоднинг жаҳон тасвирий санъатига қўшган ҳиссаси бугун ҳам тилларда дoston бўлмоқда. Хозирги кунда бу буюк зот аъёнларини муносиб давом эттираётган ижодкорлар юртимизда кўплаб топилди. Ана шундай ранг-тасвир усталиридан бири Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори, Бадий академиянинг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмалжон Икромжоновдир. Мусаввир суратларининг асосий мавзуси мавжуд реал воқеалар, бугуннинг долзарб муаммолари, комил инсон, унинг ўй-хаёллари ифодасидир. У ўзбек ва жаҳон бадий мероси аъёнларини чуқур эгаллаган мусаввир, юксак касб маданиятига, ўзига хос ранг-тасвир услуби ҳамда фалсафий тафаккурга эга бўлган моҳир рангтавирчи рассом сифатида халқимиз орасида сеvimлидир.



“Орол менинг дардим”, “Ҳисор фожиаси”, “Чақмоқ”, “Автопортрет” (“Асрлар садоси”), “Ҳосият”, “Япон элчиси”, “Нагасаки”, “Мевали натюрморт”, тарихий ишларидан “Те-мур Малик жасорати” ва “Улуғбек портрети” асарлари билан жаҳон тасвирий санъатига муносиб ҳисса қўшган А. Икромжонов авангардчиларга хос аъёнанинг давомчиси ва ҳозирда бу йўналишни ўз фикрлари билан бойитиб келаётган мусаввирдир. У бир қанча фалсафий, мазмунга бой, тарихий паннолар яратган. Мусаввирнинг халқ артисти Ф. Аъзамов, шифокор К. Алимова, рассом Ч. Аҳмаров, “Ёш меъмор” каби замондошлари ҳақида яратган портретлари юксак маҳорат намуналаридир.

Рассомнинг услубий рангбаранглиги кенгайиб бориб, 1991-1996 йиллар давомида Англия, Хиндистон, Олмония, Туркия, Франция каби чет давлатларда шахсий кўргазмалари ўтказилди. Санъаткор ижоддан кенг ўрин олган портрет ва натюрмортлари борасида

фикр юритадиган бўлсак, рассомнинг ўзига хос аъёна ва услублари мавжуд эканлигининг шоҳиди бўламиз. “Асрлар садоси” деб номланган “Автопортрет”ида кўзга қаршидаги реал ҳаётни ўй-хаёллари сифатида табиат билан уйғунлаштириб, асарнинг бадий жиҳатини оширишга муяссар бўлган. Дастгоҳли кўринишда ҳал этилган мазкур асарда ҳар бир кичик деталь ҳам жуда катта маъно касб этади. Суратга қараб турган киши инсоннинг улғуворлигини, вақтнинг эса ўтиб бораётганини, табиатни асраб-авайлашимиз лозимлигини дилдан хис қилади. Натюрмортларида ҳам ана шундай кайфият, миллий ва замонавий руҳнинг уйғунлашуви сезилиб туради. Кези келганда айтиш жоизки, ўзбек тасвирий санъатининг шаклланишида ва уни элга танитишда санъатшуносларимизнинг ўрни катта. Афсуски, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳал этилган, деб бўлмайди. Ачинарлиси, республикамизда ўзбек ва жаҳон тасвирий санъатининг тарихи, тур ва жанрлари ҳақида ўзбек тилида ёзилган илмий адабиётлар жуда кам. XIII асрда яшаб ижод этган француз файласуф маърифатпарвари Дени Дидро шундай деган эди: “Қайси миллат ўз болаларига расм ишлашни худди хат-саводни, ўқини ва ҳисоб-китобни ўргатгандек кунт билан ўргатса, бу миллат фан, санъат ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади”.

Сўзимизнинг интиҳосида бу истеъдодли мўйқалам соҳибини ярим асрлик таваллуд ёши билан қутлаб, эзгу хайрли ишларида, сербарака ижодида зафарлар тилаймиз.

Шаҳрибону СУЮНОВА

“ХАЗИНА” СКАНВОРДИ

Африка давлати Хизир	атом дари (Росс.) парлам. кисми чехра	жван хожи Хийим? Россия Ф/К орзу	асира қиз
сернал каҳра, салом	бадбуй жудоси маврўх	амир чақа пул	Одамзо (Ички) наммак
оққат буёқ	мансаб Италия	ошқор булиш	тот; ором ўзбек автоси дари
кайгу тарих	шоҳ қизи гина	баста- кор...	Набо- ков асари
хабар; маътур	ошқор куратор «Yoshlar»	даво кўри- ниш	шар- рий вази
показ	ода бирон- бир	ой қўз ёши	сабот
нур	башо- рат	элик асар	фан- таст Вазу- чи
дард	огир гуноҳ муъ- табар намак	от наҳали	дрё (Евро- па)
болик ошма, олмон	азил	казак- лар болани	мева
	дуруя, дуо	Эква- дор пойт.	

Тузувчи: Даврон ТОЖИАЛИЕВ

2002 йил 28 июнь соат 10.00да
Камолитдин Беҳзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институтида
ОЧИК ЭШИКЛАР КўНИ
ўтказилади.
Қизиқувчилар таклиф этилади.
Манзил: Тошкент, Ю.Ражабий 77.

1-Тошкент Педагогика билим юрти томонидан 1996 йилда Хўжаева Нилуфар Анваровна номига берилган №139076 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ma'rifat
ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюشمаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Халим САИДОВ
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида №20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-529.
Тиражи 32918 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3
Набатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ,
Набатчи: Баҳолир ЖОВЛИЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими—136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими—136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифаллади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Боснига топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00